Оммавий ахборот воситалари сўзда эмас, амалда «тўртинчи ҳокимият» даражасига кўтарилиши зарур. Бу – замон талаби, ислоҳотларимиз талаби.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

90 1930–2020 йиллар

O'zbekiston Respublikasi Ichki ishlar vazirligi nashri

Bosh maqsadimiz – xalq manfaatlariga xizmat qilish

# Postda На посту

2020-yil 14-may payshanba

№ 15 (4453)

Gazeta 1930-yil 12-maydan chiqa boshlagan / Web-site: www.postda.uz / E-mail: info@postda.uz

## Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Пўлат Бобожоновнинг «Postda – На посту» газетаси ва «Qalqon – Щит» журнали Бирлашган таҳририяти жамоасига табриги



**Сизларни «Postda – На посту» газетаси ташкил этилганига 90 йил тўлиши муносабати билан чин қалбимдан самимий қутлайман.**

Мамлакатимизда оммавий ахборот воситаларининг ролини ошириш бўйича амалга оширилган ишлар, соҳа вакилларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш тизими яратилгани ҳар бир ижодкорни жамият ҳаётининг фаол, илғор фикрли вакилига айланишга ундамоқда.

Сўнгги йилларда сўз эркинлиги ва фикрлар хилма-хиллигини таъминлашга қаратилган бир қатор чора-тадбирлар натижасида, «Postda – На посту» газетаси ҳам мамлакатимизда, хусусан, ички ишлар органларида амалга оширилаётган изчил ислоҳотларни ёритиш, ходимларимизнинг сиёсий-ҳуқуқий ва маънавий-маърифий билимларини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Республикамиз матбуотининг отахон нашрларидан бири бўлган ушбу нашрнинг тўқсон йиллигини нишонлар эканмиз, у босиб ўтган мураккаб ривожланиш йўли, эришилган ютуқ ва марралар кўз ўнгимиздан ўтиши табиийдир. Ички ишлар органлари эл-юртимиз тинчлиги ва осойишталигини таъминлашда қандай қийинчилик ва машаққатларни, қувончли ва ташвишли кунларни бошидан кечирган бўлса, уларнинг барчаси мазкур нашр саҳифаларида ўз аксини топган, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Бугунги кунда ахборот олиш ва уни етказиш, таъсирчан жамоатчилик фикрини шакллантириш борасидаги рақобат кескин тус олиб, ҳаёт янги талаб ва вазифаларни олдимизга қўймоқда. Бундай мураккаб жараёнда ИИВ Бирлашган таҳририяти жамоаси бир қадам олдинда юриши, мамлакатимизда ва жаҳонда рўй бераётган энг долзарб воқеаларни замонавий ижодий услуб ва илғор ёндашувлар орқали ўз муштарийларига тезкор ва холис тарзда етказа олиши, ходимларимизнинг чинакам маънавий-маърифий ҳамроҳига айланиши зарур.

Жамиятимизда фикр ва қарашлар ранг-баранглиги, сўз ва ахборот эркинлигини таъминлаш, маънавият ва маърифат тарғиботи борасидаги ғоятда шарафли йўлда таҳририят жамоасига улкан муваффақиятлар ва ижодий фаоллик доимо ёр бўлсин.

Барчангизни бугунги қутлуғ айём билан яна бир бор табриклаб, сизларга сиҳат-саломатлик, хонадонларингизга бахт-саодат ва ижодий ютуқлар тилайман.

## Ижодий ютуқлар тилаймиз



**Авваламбор, Сизларни «Postda – На посту» газетаси ташкил этилганининг 90 йиллиги билан чин дилдан муборакбод этамиз.**

Айтиш мумкинки, сўнгги йилларда Ўзбекистонда оммавий ахборот воситаларини ҳар томонлама ривожлантириш, соҳа ходимларининг эркин фаолият юритишлари учун ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш бўйича катта қадам қўйилди ва кенг имкониятлар яратилди. Буни матбуот эркинлиги бўйича халқаро рейтингларда Ўзбекистоннинг ўрни йилдан-йилга яхшиланиб бораётгани мисолида ҳам кўриш мумкин. Шубҳасиз, бу эътирофнинг замирида республикамизда фаолият юритаётган оммавий ахборот воситалари қаторида «Postda – На посту» газетаси таҳририяти ижодий жамоасининг ҳам муносиб ўрни бор.

Бугун қутлуғ санани нишонлаётган газетанинг кейинги йиллардаги фаолиятига назар ташлар эканмиз, унинг саҳифаларида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан матбуот соҳаси олдига қўйилган энг долзарб вазифалар – мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги муҳим ўзгариш ва воқеликлар, давлат ва жамият қурилишидаги демократик жараёнлар, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлаш, жисмоний ва юридик шахсларнинг манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш, шунингдек, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги чора-тадбирларнинг кенг ёритилаётганини кўриш мумкин.

Демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш борасидаги ислоҳотлар жараёнида аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришдек муҳим вазифани амалга оширишда ҳам ушбу нашр муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Аҳамиятлиси, газета ички ишлар органлари ходимларининг халққа яқинлашаётганини, виждон ва садоқат билан хизмат қилаётганини кенг тарғиб қилишда бош минбар вазифасини бажармоқда.

Газета саҳифаларида эълон қилинаётган таҳлилий-танқидий, долзарб мавзулардаги чиқишлар нашр таъсирчанлиги ва сифатини ошириб, бугунги мураккаб шароитда ҳам ўзининг доимий аудиторияси доирасини кенгайтириб боришга хизмат қилмоқда.

Шу билан бирга, «Postda – На посту» газетаси таҳририяти ҳозирги медиамакондаги ўзгариш ва янгиланишлар, аҳолининг ахборот олиш билан боғлиқ талабларидан келиб чиқиб, ўз платформасини даврга мослаштираётгани, хусусан, янгилик ва материалларни нафақат босма шаклда, балки postda.uz веб-сайти, ижтимоий тармоқлардаги саҳифа ва каналлари орқали электрон кўринишда тақдим этиб келаётгани ҳам эътирофга лойиқдир. Булар таҳририятда малакали мутахассислар, ҳуқуқий журналистиканинг тажрибали ва истиқболли вакиллари меҳнат қилаётганидан далолат беради.

Фурсатдан фойдаланиб, яна бир бор таҳририят жамоасини ва унинг кўп сонли муштарийларини «Postda – На посту» газетасининг 90 йиллиги билан қутлар эканмиз, барчангизга сиҳат-саломатлик, машаққатли меҳнатингизда янги ижодий ютуқлар тилаймиз.

Ҳурмат билан,

**Дилшод САИДЖОНОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги директорининг биринчи ўринбосари.**

## Мен ҳам сенинг болангман, она!

*(«Матонат мадҳияси» монументи пойида)*



Фарзандларинг сенга парвона,
Тинчинг асрар бедор, мардона.
Ватан дея ўтганни ёдлаб,
Мен пойингда турибман, Она!

Улуғ бўлди Исоқжон – боланг,
Ватан учун жондан кечганда.
Оҳ, ортидан етди-ку ноланг,
Аҳмаджоннинг руҳи учганда.

Қайтмас бўлди Муҳаммаджонинг,
Дийдор уйи вайрона жуда...
Ваҳобжон ҳам кетибди яна,
Онаизор, энди сен чида,

Юсуфжонни ўраб-чирмадинг,
Асра, дея ҳеч қурса шуни.
Хабар келди – бир чирқирадинг,
Кетганининг ...нечанчи куни.

Эгилмадинг, синмадинг ҳечам,
Беш қаҳрамон онаси эдинг.
«Зимистонда бўлса-да кечам,
Эртам менинг нурафшон» дединг.

Қизгинадан ёруғлик келди,
Набиралар кўнгилга малҳам.
Садоқатни юракка ўйди,
Келинларнинг барчалари ҳам.

...Дилингдаги нолангман, она,
Кўзингдаги жолангман, она.
Ғамни унут, беш ўғил каби,
Мен ҳам сенинг болангман, она!

Аслида-ку, ўша беш ўғил,
Пойингдаги ёшу ялангдир.
Онажоним! Ўзбекистоннинг
Бор ёшлари сенинг болангдир!

**Эркин САТТОРОВ.**

# БАРКАМОЛЛИК ЁР БЎЛСИН!

Мен Ички ишлар вазири бўлиб иш бошлаганимда «Postda – На посту» газеталари қайта тикланиб (1991 йил), яна газетхонларга тарқатила бошлаганди. Бу нашрларнинг кўпдан бери мухлисиман. Ўша етмишинчи йилларнинг бошида газеталар фаолияти тўхтатилганида кўпчилик норозилик билдирганди. Аммо жамиятдаги ҳукмрон мафкуранинг бу қарорига ҳеч ким қарши чиқолмаган. Йиллар ўтиб, газеталар яна чоп этила бошлаганида кўпдан бери кутган кун келганидан, яна «Postda – На посту» газеталари фаолияти тикланганидан хурсанд бўлганмиз.

Мустақилликнинг дастлабки кунларидан элимиз эришган ҳурлик ва истиқлолни баралла овоза қилган газеталар қаторида «Postda – На посту» ҳам бўлган. Дастлабки қийинчилик, мураккаблик исканжасида қолган халқимизнинг дилига қувват бағишлаган, онгига озодлик руҳини сингдирган нашрлар сафида бўлганди.

Ички ишлар органлари ходимларининг машаққатли, шу билан бирга, шарафли хизматларини халқимизга кўрсатиш, фидойи ходимларнинг номини элга танитишда «Postda – На посту» газетасининг ўрни беқиёсдир. Ички ишлар органлари ходимлари зиммаларидаги шарафли вазифа – юртимизда тинчлик ва осойишталикни сақлаш, барқарорликни мустаҳкамлаш, жиноятчилик, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, унга қарши курашиш, жамоат тартиби ва энг муҳими, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш учун кечаю кундуз хизмат қилишади. Хизматнинг машаққатли, шу билан бирга, шарафли томонларини одамлар газетада тасвирланган воқеалар, ҳолатлардан билишади. Журналистлар бунинг учун бор билим, иқтидор, маҳорат ва тажрибасини ишга солишади.

Кейинги йилларда ички ишлар органларидаги ўзгаришлар, Президентимиз ва ҳукумат томонидан ички ишлар органлари фаолиятини ҳар томонлама яхшилаш юзасидан чиқарилган фармон ва қарорларни халққа етказиш, ички ишлар органлари ходимларининг онгига сингдиришда газеталарнинг хизмати катта бўлмоқда.

Давр шиддат билан олға бораётган бир пайтда газеталар ҳар томонлама замон талаби даражасига етиш учун ҳаракат қилаётгани кўриниб турибди.



Шуниси ҳам борки, бу севимли нашрларнинг ички ишлар органлари ходимларидан ташқари ҳам мухлислари кўп. Йилдан-йилга газетхонлар аудиторияси кенгайиб бораётгани таҳририят жамоаси, ижодкорларнинг катта меҳнати самарасидир.

«Postda – На посту» газетаси чиқа бошлаганига тўқсон йил тўлди. Бу қутлуғ сана билан таҳририят жамоаси, ижодий ходимларини, кўп минг кишилик мухлисларини қизғин қутлайман. Бундан кейин ҳам газетхонларнинг севимли нашрлари бўлиб қолади, деган умиддаман.

**Зокиржон АЛМАТОВ,**
**Ички ишлар вазири маслаҳатчиси, генерал-полковник.**

# ИЖОДИЙ МУВАФФАҚИЯТЛАР ТИЛАЙМАН



**Жамиятнинг барча соҳаларида туб ислоҳотлар жараёни кечмоқда. Айниқса, ахборот ва коммуникация технологиялари, босма ва электрон оммавий ахборот воситалари тараққий топиб, фаолиятида тезкорлик, ҳозиржавоблик, очиқлик, ошкоралик борасида янги давр бошланди, десам, муболаға бўлмайди.**

Шу ўринда, бугун қутлуғ 90 ёшини нишонлаётган «Postda – На посту» газетасининг миллий матбуотимиз майдонида алоҳида ўрни бор. Бу нашр ўтган давр мобайнида ички ишлар органлари фаолиятини холис ёритиш, тизимдаги очиқлик ва шаффофликни таъминлаш, соҳадаги янгиликлар, олиб борилаётган ислоҳотлардан ўз вақтида ва тезкорлик билан оммани хабардор қилиш ҳамда аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш борасида жонбозлик кўрсатиб келяпти.

Айниқса, газетанинг турли соҳа вакиллари, давлат хизматчилари, сенаторлар, депутатлар билан ўрнатган ижодий ҳамкорлиги таҳсинга сазовор. Биз бу ҳамкорликни келгусида яна давом эттиришга тайёрмиз.

Фурсатдан фойдаланиб, ИИВ Бирлашган таҳририят жамоасини ушбу қутлуғ сана билан табриклаб, янгидан-янги ижодий муваффақиятлар тилайман!

**Гулистон АННАҚИЛИЧЕВА,**
**Олий Мажлис Сенати аъзоси.**

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг буйруғига асосан таҳририятнинг бир гуруҳ ходимлари вазирликнинг «Фахрий ёрлиғи», қўл соати ва пул мукофоти билан тақдирландилар.**

## СЎЗ МУКОФОТЛАНГАНЛАРГА:

### МАТБУОТДА ТОБЛАНГАН УМР



Мени ҳамкасбларим ҳазиллашиб, «тош асрининг одами», дейишади... Ҳеч ҳам хафа бўлмайман. Ахир, «Дарахт бир жойда кўкаради», деган гап бор.

Ўтган асрнинг тўқсонинчи йилидан буён бугунги кунга қадар элим-юртим деб хизмат қилаётган ички ишлар органлари ходимлари билан бир сафдалигимдан жуда фахрланаман! Кимлар келмади, кимлар ўтмади... Эл-юрт осойишталиги йўлида жонини жабборга берган оловқалб ходимларнинг жасоратлари ўн китоб бўлгулик. Истиқлол йилларининг суронли дамлари уларни минг чиғириқдан ўтказди. Тоблади. Буларнинг барчасига Бирлашган таҳририят журналисти сифатида гувоҳ бўлиб келяпман.

Маънавий устоз деб биладиганим – генерал Зокиржон Алматов даврида Бирлашган таҳририят ривожига катта тамал тоши қўйилди. Газеталаримиз адади бўйича республикада биринчилар қаторида бўлди.

Бугунги кунга келиб эса ички ишлар органлари ходимларининг масъулиятли ва машаққатли меҳнатини (сўнгги воқеалар силсиласи бунга далил) юртдошларимиз чинакамига қадрламоқдалар ва бу вазирлигимиз раҳбариятининг тўғри йўлда эканлигига яққол исботдир.

Менинг ИИВ Бирлашган таҳририятидаги 30 йиллик фаолиятим муносиб баҳоланган ҳолда мукофотга лойиқ кўрилганлигим ўтган умрим беҳуда кетмаганига шукроналар айтишимга сабаб бўлди. Раҳмат!

**Эркин САТТОРОВ,**
**ИИВ Бирлашган таҳририяти масъул котиби.**

### БАРЧАМИЗ УЧУН ҚАДРДОН ГАЗЕТА



1994 йилнинг бошида ИИВ Бирлашган таҳририятига ишга таклиф қилишди. Ўз номи билан кўлами кенг ижодий даргоҳда «Postda», «На посту» газеталари, «Qalqon» ва «Щит» журналлари нашрга тайёрланарди. Демак, зиммамга бирданига тўртта нашрда ишлаш масъулияти юкланади. Иккиланиб турганимни сезган бош муҳаррир Зокир Атаев «Сен ёшлар ҳамда сиёсий нашрларда ишлаб яхшигина тажриба тўплагансан. Бу таҳририятда ҳам бемалол ишлай оласан. Қолаверса, биз ҳам қараб турмаймиз», деди. Очиғи, муҳаррирнинг камтарлиги, самимийлиги менга ёқди.

Сўнгги йилларда барча соҳалар қатори, Ички ишлар вазирлиги тизимидаги изчил ислоҳотлар биз журналистларни янада масъулият билан ижод қилишга ундади. Соҳадаги илғор тажрибалар, янгиликлар ва ташаббусларни ўз вақтида газетхонлар эътиборига етказишга, соҳа фидойиларининг машаққатли хизматини, жасоратию қаҳрамонлигини, фахрийларнинг ибратли ҳаёт йўлини кенгроқ ёритишга ҳаракат қилдик. Айни кунда ҳам бундай ижодий жараёнлар давом этмоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, куну тун ором билмай қалам тебратаётган, газетхонларимизнинг эътибор ва эътирофига сазовор бўлаётган заҳматкаш ҳамкасбларимизни, матбаачиларимизни, газеталаримизни интиқлик билан кутаётган муштарийларимизни барчамиз учун қадрдон бўлган «Postda» ва «На посту» газетасининг 90 йиллиги билан чин дилдан қутлайман.

**Худойберган ЖАББОРОВ,**
**ИИВ Бирлашган таҳририятининг Хоразм вилояти бўйича мухбири.**

### ИШОНЧ МАСЪУЛИЯТГА УНДАЙДИ



Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Бирлашган таҳририятининг нашрлари «Postda – На посту» газетаси ташкил этилганлигига 90 йил тўлди. Ушбу қутлуғ айём эл осойишталигини сақлаш йўлида фидокорлик кўрсатаётган барча ички ишлар органлари ходимлари, уларнинг давлат ва халқ олдидаги хизматига бефарқ бўлмаган минглаб юртдошларимиз қаторида, «Postda – На посту» газетаси мухбири сифатида менинг ҳам қалбимни қувончга тўлдирди.

Ижодий жамоа таркибида фаолият кўрсатиш жараёнида юрт тинчлиги ва халқ осойишталигини таъминлашни тақдирига айлантирган инсонлар зиммасидаги улкан масъулиятни теранроқ ҳис этдим, улар хизмати қанчалик шарафли бўлса, шунчалик мураккаб эканлигини юракдан туйдим. Бу жиҳатлар ўз вазифамни ҳамиша сидқидилдан бажаришга руҳлантиради.

Яна шуни мамнуният билан таъкидлашим керакки, севимли нашримизнинг 90 йиллик тўйи мен учун қўшалоқ байрамга айланди. Қутлуғ сана муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг «Фахрий ёрлиғи» билан тақдирландим. Бунинг учун вазирлик раҳбариятидан бениҳоя миннатдорман.

Ушбу эътибор соҳа вакилларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш, қонунбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашишга оид фаолиятини янада кенгроқ ёритиш ҳамда билдирилган ишончга муносиб бўлишга ундайди.

**Алижон АБДУСАТТОРОВ,**
**ИИВ Бирлашган таҳририятининг Жиззах вилояти бўйича мухбири.**

БОШ МУҲАРРИР МИНБАРИ

*Мамлакатимизда олиб борилаётган демократик ислоҳотларни янада жадаллаштириш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлашда оммавий ахборот воситалари, хусусан, матбуотнинг ўрни беқиёс.*

# ҚАЛБ ВА ҚАЛАМ БИЛАН 90 ЙИЛ



Президентимиз таъбири билан айтганда, жамиятимизда демократик қадриятларни қарор топтириш, фуқароларимизнинг ахборот соҳасидаги конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш, дунёда ва мамлакатимизда содир бўлаётган ижтимоий-сиёсий жараёнлар, воқеа-ҳодисалар ҳақида тезкор ва ҳаққоний маълумотлар етказиш борасида ва жараёнларга фуқаролар кўнглида дахлдорлик, келажак учун масъулият ҳиссини тарбиялашда оммавий ахборот воситалари ходимларининг фидокорона меҳнат қилишаётганини халқимиз яхши билади ва юксак қадрлайди.



Бу соҳа ходимларининг саъй-ҳаракатлари, истеъдод ва маҳорати билан мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари халқимиз ҳаётига, унинг қувонч ва ташвишларига тобора яқин бўлиб, Ўзбекистоннинг янги, демократик қиёфасини шакллантиришда ғоят муҳим роль ўйнамоқда.

Мана шундай олижаноб касб эгалари қаторида Ички ишлар вазирлиги Бирлашган таҳририяти ходимлари ҳам борлигидан ниҳоятда фахрланамиз. Ижодий жамоамизнинг саъй-ҳаракати билан «Postda – На посту» газетаси ва «Qalqon-Щит» журнали давр билан ҳамнафасликда юксак мақсадлар сари одимламоқда.

Шу билан бирга, Postda.uz веб-сайти ва телеграм канали ҳам мунтазам фаолият юритиб, интернет орқали ички ишлар органларининг ижобий имижини шакллантиришга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Матбуотга жамият кўзгуси, деб таъриф бериш, дастлаб газета ва журналлар чоп этила бошлагандан буён анъанага айланган, десак, тўғри бўлар. Чунки газета ва журналлар ўз даврида жамиятдаги воқеа-ҳодисалар ва янгиликлардан одамларни хабардор қилиб борган. Қолаверса, матбуот, хусусан, газеталарнинг жамиятдаги ўрнини бошқа воситалар билан алмаштириб ҳам, тенглаштириб ҳам бўлмайди.

90 йил. Ҳа, айтишга осон вақт. Бир инсоннинг мукаррам ёши. Бугун Ички ишлар вазирлигининг нашрлари – «Postda» ва «На посту» газеталари отахон ёшни қаршилаб, тарихнинг тенгсиз саҳифаларидан муносиб жой олмоқда...

1930 йил 12 май. Шу куни Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар халқ комиссарлигида мустақил нашр чоп этишга рухсат этилиб, «Postda» ва «На посту» газеталари дунё юзини кўради.

Ушбу нашрлар саҳифаларида мамлакатда эл-юрт тинчлиги ва осойишталигини асраш учун олиб борилаётган ишларни ёритиш, шунингдек, ички ишлар органлари ходимларининг маънавиятини юксалтириш, ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ошириб бориш, жиноятларни фош этиш, айбдорларни қўлга олишда милиция ходимларининг фидокорона хизматини кўрсатиш, Ички ишлар халқ комиссарлиги томонидан чиқарилган қарор ва буйруқларнинг бажарилиши каби мавзулар кенг ўрин олганди.

Газеталаримизнинг илк муҳаррирларидан бири Алексей Львович Карасик даврида «Postda» ва «На посту» газеталарининг якшанба сони ҳам чиқа бошлаган. Газеталарнинг аҳоли ўртасида оммалашиб ва машҳур бўлиб кетганлигини якшанба сонларининг тиражи 415 минг нусхага етганидан ҳам билса бўлади.





Истиқлол арафасида, аниқроғи, тўқсонинчи йилларнинг бошларида иттифоқдош республикалар бирин-кетин мустақилликни қўлга кирита бошлаган бир даврда, матбуотда ҳам эркинликлар бўй кўрсатди. Ана шундай ўзгаришлар рўй бераётган бир паллада республикада янги нашрлар пайдо бўлди. Вақтинчалик тўхтатилганидан муштарийлар илҳақ бўлиб кутаётганган «Postda» ва «На посту» газеталари ниҳоят яна муштарийлар қўлига етиб боришида ташаббускор ва қатъиятли бош муҳаррир Зокир Атаевнинг ҳиссаси катта бўлди.

Истиқлол йилларида нашрлар сони ошди. Муштарийлар «Postda» ва «На посту» газеталари қаторида «Qalqon» ва «Щит» журналларини ҳам севиб ўқийдиган бўлишди. Ижодий жамоага янги ижодкорлар қўшилди. Жамоа номи «Бирлашган таҳририят» деб юритиладиган бўлди. Нашрларда ўқувчиларга манзур бўладиган янги рукнлар, қизиқарли детектив қиссалар, мароқли мақолалар чоп этилиши муштарийлар сонининг ошишига олиб келди.

Бундан кейин ҳам бир қанча бош муҳаррирлар газета ва журналларимиз савиясини ошириш, ички ишлар органлари ходимларининг маънавиятини юксалтириш йўлида собитқадамлик билан фаолият юритишди. Истеъдодли журналистлар нашрларимизда самарали ижод қилишди.

90 йил. Ҳа, айтишга осон вақт. Бир инсоннинг мукаррам ёши. Бугун Ички ишлар вазирлигининг нашрлари – «Postda» ва «На посту» газеталари отахон ёшни қаршилаб, тарихнинг тенгсиз саҳифаларидан муносиб жой олмоқда...



Шундан буён қанча сувлар оқиб ўтди. Аммо биз бугун қандай шиддат билан ўзгараётган ва ривож топаётган, илгари учрамаган, ечими ўта оғир ва мураккаб бўлган турли хил муаммоларни туғдираётган XXI асрда яшаётганимизни асло эсимиздан чиқармаслигимиз лозим.

Авваламбор, глобаллашув жараёнлари тобора тезлашиб, дунёнинг бир чеккасида юз берган воқеа-ҳодисалар унинг иккинчи бир четида зудлик билан акс-садо бераётган бир пайтда, бу ҳолатнинг ўзи барчамиздан замонавий билим, интеллектуал салоҳиятга эга бўлишни, ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни мукаммал эгаллашни, бир сўз билан айтганда, профессионал малакамизни ошириш учун ўз устимизда мунтазам ишлашни талаб қилаётгани ҳеч кимга сир эмас. Ана шундай кўпқиррали ва мураккаб шароитда бугунги журналист, бугунги матбуотчи бу ҳақиқатни чуқур англаган тақдирдагина самарали фаолият кўрсата олиши мумкинлиги ҳақида ортиқча гапиришнинг ҳожати йўқ.

Нафсиламрини айтганда, биз замон билан ҳамнафасмиз. Кўп сонли ўқувчиларимиз талаби ва таклифини бажонидил ҳурмат қилган ҳолда, нашрларимизнинг янада қизиқарли, ўқишли бўлиши йўлида ҳормай-толмай ижод қилаверамиз. Зеро, бу – янги Ўзбекистон янги тараққиёт босқичига кўтарилаётган, сўз ва фикр эркинлиги ҳаётимиз мезонига айланиб бораётган ҳозирги даврда жуда муҳимдир.

Қутлуғ сана, улуғ айём муборак, қадрли ҳамкасблар!

**Бернора САДИКОВА,**
**ИИВ Бирлашган таҳририяти бош муҳаррири, полковник.**

ҲАФТА ҚАҲРАМОНИ

## 26 миллионлик эҳтиёт қисмлар тўхтатиб қолинди



Жорий йилнинг 6 май куни. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Халқаро аэропортларда хавфсизликни таъминлаш қўшинлари Тошкент батальонининг назорат ўтиш жойида хизмат олиб бораётган батальон ҳарбий хизматчилари ҳар бир автомобилни синчковлик билан текширишмоқда. Шу пайт аэропорт ишчилари К.Б. ва П.Ҳ. машинани текширтириш учун тўхтатишди. Аммо уларнинг қандайдир хавотирда, саросимада туриши батальон назоратчиси, сержант Асқарали Ҳамроевда шубҳа уйғотди.

Машина юкхонаси текширилганида, аэропортга қарашли техника воситаларининг катта миқдордаги эҳтиёт қисмлари борлиги аниқланди. Иш жойидан қарийб 26 миллион сўмлик қийматга эга эҳтиёт қисмларни ноқонуний олиб чиқиб кетаётган «уддабуронлар» сержант А.Ҳамроевнинг хушёрлиги туфайли тўхтатиб қолинди. Айни пайтда ҳолат юзасидан суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

Сержант Асқарали Ҳамроев 1983 йилда Қашқадарё вилоятида туғилган. Қарши иқтисодиёт коллежида таҳсил олган. У 2003 йилда муддатли ҳарбий хизматни тамомлагач, Ватан ҳимояси йўлида хизмат қилишга бел боғлади. Шундан сўнг шартнома асосида хизмат қила бошлади. Унинг меҳнатсеварлиги, фидойилиги раҳбарият томонидан кўп эътироф этилган. Ўзининг 16 йиллик хизмат тажрибаси билан ёш ходимларни тарбиялаш, уларга соҳанинг сир-асрорларини ўргатишга муносиб ҳисса қўшиб келяпти.

**Иномжон РАҲИМХЎЖАЕВ,**
**«Postda» мухбири.**

САХОВАТ ВА КЎМАК





## САВОБ ИШНИ ҲАР КИМ, ҲАР КУНИ ҚИЛИШ КЕРАК

**Коронавирус пандемияси сабабли мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган аксарият корхоналарнинг ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ҳажми кескин камайди. Бунинг оқибатида ишсизлар сони ҳам ошмоқда. Бу эса айрим оилаларда моддий қийинчиликларни келтириб чиқаради.**



Ўзбекистон Республикаси ИИВ Қоровул қўшинлари қўмондонлиги савобли ишга қўл уриб, моддий ёрдамга муҳтож бўлган ана шундай оилаларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашни мақсад қилди. Яқинда кам таъминланган оилаларга яқиндан ёрдам берилди. Муборак Рамазон ойида ИИВ Қоровул қўшинлари ҳарбий қисм ва бўлинмалари томонидан «Саховат ва кўмак» шиори остидаги умумхалқ хайрия ишлари амалга оширилди.

Тадбир давомида Тошкент шаҳар, Андижон, Навоий, Қашқадарё, Сурхондарё, Наманган вилоятларида яшаётган 500 дан ортиқ кам таъминланган оила ҳамда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланди.

**Ўз мухбиримиз.**

ТАДБИР

## ҲИМОЯ ОРДЕРИ – САМАРАЛИ ЧОРА

**Оила қачон мустаҳкам қўрғон бўла олади? Қачонки, унда ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат ҳукм сурса. Бу, ўз навбатида, жамиятнинг муҳим бўғини саналган оилада осойишталик, аҳиллик қарор топишига, пировардида эса фарзандларнинг етук инсонлар бўлиб улғайиши учун муҳим пойдевор бўлиб хизмат қилади. Акси бўлса-чи?..**



Минг таассуфки, бугун юртимизда аёлларни зўравонлик ва таҳқирланишдан жабр кўриб келаётган оилалар ҳам бор. Ҳимоя ордери ана шундай аёлларни муҳофаза қилишга, уларга нисбатан меҳрлироқ бўлишни таъминлашга йўналтирилган.

Хўш, ҳимоя ордери ўзи нима? Ҳимоя ордери – тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчига давлат муҳофазасини тақдим этувчи, хотин-қизларга нисбатан зўравонлик содир этган шахсга ёхуд бир гуруҳ шахсларга нисбатан таъсир кўрсатиш чораларини қўлланилишига сабаб бўладиган ҳужжат. У ички ишлар органларининг таянч пункти профилактика (катта) инспектори томонидан берилади.

Оилада зўравонлик ҳолати кузатилган ва бу ҳақда тегишли тартибда ички ишлар органларига мурожаат қилинганда, аввало, ваколатли идора вакиллари ҳолатни ўрганиб чиқади, сўнг оилада вужудга келган муаммоларни муҳокама қилиш учун суҳбат ўтказилади.

Наманган вилояти Тўрақўрғон тумани «Тошкент» маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Ҳосила Баратова (исм-шарифлар ўзгартирилди) сўнгги пайтларда турмуш ўртоғи Ўткир Қобилов у билан мунтазам жанжаллашиб, жисмоний куч ишлатаётгани ҳақида ички ишлар органига хабар беради.

Туман ИИБ ҲПБ Хотин-қизлар масалалари бўйича катта инспектори, майор Н.Сулаймонова ушбу хонадонга бориб, ундаги муҳитни ўрганиб чиқди.

Ўткир Қобилов муқаддам жиноят содир этганлиги, ҳозирда пробация хизмати ҳисобида туриши маълум бўлди. Доимий равишда ичиб келиб, турмуш ўртоғига қўл кўтаради. Унинг бундай хатти-ҳаракатлари туфайли оила тинчлиги бузилган, уйида, ишида барака йўқ. Ўзи пробация ҳисобида бўла туриб, бундай ҳолатга йўл қўйиши вазиятни янада оғирлаштиради.

Ички ишлар органи ходими ва маҳалла фаоллари вазиятни тўлиқ ўрганиб чиққач, Ҳосила Баратова зўравонликдан ҳимояга олиниши ва унга мазкур ордер берилиши лозим, деган хулосага келинди. Турмуш ўртоғига унинг бундай хатти-ҳаракатлари оқибатлари ҳақида тушунча берилди. Ҳимоя ордери талабларига кўра, унга нисбатан қандай чекловлар белгиланганı тўғрисида айтиб ўтилди.

**Ўз мухбиримиз.**

ҚУТЛОВ

**Ички ишлар вазирлигининг «Postda – На посту» газетаси узоқ йиллик ҳамкоримиз ва қадрдон нашримиз ҳисобланади.**

## ГАЗЕТАГА ҲАВАС ҚИЛИБ, ФОРМА КИЙГАНМАН



Ҳеч ёдимдан чиқмайди: ўсмирлик йилларимда бу газетани доим сотиб олиб, ўқишга ҳаракат қилардим. Ўқиганим сайин ходимларнинг қаҳрамонликлари, жасоратидан руҳланиб, қалбимда шу соҳада ишлашга ҳавас уйғонарди. Насиб қилган экан, кейинчалик ички ишлар органига хизматга кирдим.

Соҳада хизмат қилиб юрган пайтларимда мазкур нашр менга қўлланма бўлиб келди. Бугун ҳам унинг ҳар бир сонини интиқлик билан кутаман.

Қадрдон газетамиз ички ишлар органларида олиб борилаётган ислоҳотларни кенг ёритиш баробарида, фахрийлар ҳаёти ва фаолияти ҳақида ҳам жуда кўплаб мақолалар чоп этмоқда. Бундай эътибор, албатта, биз – фахрийларни беҳад қувонтиради.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, газета айни пайтда республиканинг турли вилоятларида умргузаронлик қилаётган фахрийларни бир-бири билан ғойибона боғлаб, дилларни дилларга яқинлаштирмоқда.

Шундай табаррук кунларда севимли газетамиз ўзининг 90 йиллик юбилейини нишонлаяпти. Фурсатдан фойдаланиб, таҳририят раҳбариятига, жамоадаги қалами ўткир барча ижодкорларга сиҳат-саломатлик, куч-қувват тилайман.

**Араббой УСМОНОВ,**
**Фарғона вилояти ИИБ Фахрийлар кенгаши раиси, истеъфодаги подполковник.**

ТААССУРОТ

# МЕТИН ИРОДА ТИМСОЛИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан суратга олинган «Илҳақ» фильмини кўриб...**





Ўзбек аёлининг метиндек бардошини, сабрини айниқса, Иккинчи жаҳон уруши йилларидаги йўқотишлар, кутишлар, изтиробларга қоришган аччиқ ҳаётини бир фильм ёки бадиий асар орқали тўлиқ очиб бериш қийин, албатта. Аммо уруш йилларидаги юртдошларимиз аҳволи, халқимизнинг бирдамлиги, оналаримизнинг сабру бардошини ифодалашга кенг қамровли «Илҳақ» фильми мазкур йўналишда ўзига хос бурилиш бўлди, десак, адашмаймиз. Реал воқеаларга асосланган мазкур фильм суронли йилларда халқимизнинг бошидан кечирганлари, шундай шароитда ҳам шахсий манфаатини кўзлаб, тубанлик йўлини тутганлар ҳам борлигини таъсирчан лавҳаларда кўрсатиб берганки, томошабин беихтиёр шу кунларнинг оғриғини ҳис этиши, кўзлари намланиши мумкин. Фильм режиссёри Жаҳонгир Аҳмедов бир интервьюсида унинг Белорусда суратга олинган мураккаб жанг саҳналари ҳақида, тўртта катта эпизоднинг тўртта жойда, Ленинград яқинида, Украинада, Белорусь ҳамда Варшава яқинида бўлиб ўтганини айтади. Режиссёрнинг таъкидлашича, ушбу эпизодларни тасвирга олиш учун тўрт ой давомида тайёргарлик кўрилган. Фильмда 20 нафарга яқин белорусь актёрлари ҳам суратга тушган.

Жаҳонгир Аҳмедовнинг телевидениедаги учрашувда айтган бир гапи эса кўплаб ҳозирги ёшларга номаълум бўлган кўҳна қадриятларимиздан бири ҳақида бўлди. Яъни, фильм бош қаҳрамони Зулайҳо ая белига эркаклар белбоғини боғлаб юради. Қадимда эри вафот этган аёл унинг белбоғини боғлаб юрган. Бу орқали бошқа турмуш қуриш истаги бор-йўқлиги маълум бўлган. Яъни, бева аёл шу белбоғни белидан ечар экан, унинг бошқа турмуш қуриш истаги борлигини билдирган. Фильмдаги Зулайҳо ая эса умрининг сўнгигача эрининг белбоғини муқаддас билиб, ундан маънавий қувват олиб, белидан ечмай яшади. Шу ишни унинг бева қолган келинлари ҳам бажариб, эрларига вафо ва садоқат намунасини кўрсатдилар.

Тошкент вилоятининг Зангиота туманида яшаган Зулфия ая бир эмас, икки эмас, нақ беш фарзандини урушга жўнатгани, уларнинг барчасидан жудо бўлишдек азобни бошидан ўтказгани миллатимиз оналарининг қанчалар метин иродали эканидан далолатдир.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан барпо этилган Ғалаба боғидаги «Матонат мадҳияси» монументи эса ана шундай метинбардош оналаримизга қўйилган ҳайкалдир. Қолаверса, Ғалаба боғидан ўрин олган суронли йиллардан ҳикоя қилувчи манзаралардан қалблар аллақандай сукунатга чўмади. Айниқса, қизил вагондаги ярадор жангчиларнинг умидли кўзлари, вокзалдаги оналарнинг соғинч чизиқ тортган сўлғин юзларини кўриб, бугунги тинч-осойишта кунлар учун қайта-қайта шукроналар айтгингиз келади. Жанг майдони тасвирланган дала истеҳкомлари ва ҳандақлар, деворлардаги излар ҳам ўзига хос рамзий маъно касб этган. Ярадор сафдошига ёрдам бераётган аскар, деворни ёриб ўтишга уринаётган баҳайбат танк, асирга тушган юртдошларимиз тасвирланган манзараларни кўриб, уруш даҳшатларидан юраклар жунбушга келади.

**Беш фарзанднинг доғини кўтарган, сўнгги нафасига қадар умид билан яшаган ўзбек аёли, чинакам метин ирода тимсоли.**

Генерал-майор Собир Раҳимовнинг сафдошлари билан биргаликдаги ҳайкали ҳам тарихий ҳақиқатнинг юзага чиқиши ўлароқ, кўплаб юртдошларимиз, хусусан, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларининг рўёбга ошган орзуси бўлди. Зулфия ая Зокированинг келинлари, набиралари билан биргаликдаги монументига яқинлашар экансиз, кўзларидаги мунг, болалигидан эрта айрилган кичкинтойлар, ёш бўлса-да, турмуш ўртоғининг муқаддас ёди билан ёлғиз яшаётган бева келинчакларни кўриб, беихтиёр кўзларда ёш қалқийди.

Зулфия аянинг набира келини Саноат Маҳмудованинг ҳикоя қилишича, ая бу азоблардан тунлари йиғлаб чиқар, келинлари далда беришга уринаркан. Аммо келинлар далдасидан кўнгли тўлмаган муштипар она, тунлари дарё бўйига бориб, ёлғиз қолиб, ўксиб-ўксиб йиғлар, бор дарду ғуборларини тўкиб соларкан.

Беш фарзанднинг доғини кўтарган, сўнгги нафасига қадар умид билан яшаган ўзбек аёли, чинакам метин ирода тимсоли. Қалбларда ўзбек аёлига, оналаримизга, момоларимизга бўлган фахр-ифтихор туйғулари жўш уради. Зеро, қозонилган Буюк ғалабада мана шундай матонатли оналар сабрли келинларнинг ҳам ҳиссаси катта. Беихтиёр бардошинг олдида метин ҳам ожиз, ўзбек аёли, деган сўзлар тилга кўчади.

**Иномжон РАҲИМХЎЖАЕВ,**
**«Postda» мухбири.**









К 90-ЛЕТИЮ ГАЗЕТЫ «POSTDA»-«НА ПОСТУ»



# Уважаемые коллеги! Друзья!

12 мая исполнилось 90 лет со дня выхода первого номера ведомственных газет МВД Узбекистана «Postda», «На посту». За этот период, как самой правоохранительной структуре Узбекистана, так и ее печатному органу, пришлось пройти различные по своей сложности этапы становления и развития. Отрадно осознавать, что история издания не канула в Лету, оно, как и раньше, продолжает освещать самые важные события в биографии ведомства.

Сегодня, когда на смену печатным СМИ все чаще приходят интернет-ресурсы, продолжение традиций бумажной печати сродни гражданскому подвигу. Это в какой-то степени и дань уважения всем тем, кому не просто переформатировать сознание и восприятие на современный лад.

Сердечно поздравляю вас, уважаемые коллеги, с замечательным юбилеем! Желаю острых репортажей, востребованности, больших тиражей, а в наше непростое время еще здоровья и оптимизма!

С уважением,

**Главный редактор журнала СМВД «Содружество» полковник внутренней службы И. В. АЛЕКСЕЕВ.**

# Благодарность



Огромное спасибо руководству МВД Республики Узбекистан и Объединенной редакции газеты «Postda»–«На посту» за оказанную честь.

Это моя любимая газета, родной коллектив. Очень приятно, что в связи с юбилеем вспомнили бывших сотрудников и отметили мой труд.

За долгие годы работы случалось всякое, но для нас на первом месте всегда была газета.

Пользуясь случаем, поздравляю редакцию с праздником, желаю сотрудникам творческого полета и неиссякаемой энергии, а всем стражам порядка – успехов в их нелегкой службе.

С уважением,

**Ветеран газеты Н. БАБИНА.**

ФОТОСТАТЬЯ



Заместитель главного редактора лейтенант А. Боходирова. Задачи поставлены, творческий процесс начался.



Корреспондент А. Агзамходжаева. На международной встрече.



Корреспондент А. Жаниева и веб-программист Н. Мухамеджанова. В поисках оптимального варианта.



Веб-дизайнер А. Болтаев. Полоса сверстана и распечатана.



Корреспондент Д. Шамухамедова и корректор Ю. Ким. Материалам – максимум внимания.



Корреспондент Р. Тумпаров. Свежий номер газеты готов.

ЛИСТАЯ СТРАНИЦЫ ПРОШЛЫХ ЛЕТ

# ЖУРНАЛИСТЫ В ПОГОНАХ

**Лев ОФФЕНГЕНДЕН**

*Он начинал свой творческий путь в пресс-группе столичного УВД, затем многие годы работал в отделении агитации и пропаганды УГАИ Ташкента. Пик его творчества приходится на годы, когда он являлся корреспондентом газеты «На посту». Читатели наверняка помнят его содержательные, необычные по форме подачи статьи и репортажи, написанные хорошим языком уверенно владеющего своим делом профессионала. Многие из них были отмечены как лучшие в номере.*

*Жаль, что капитан милиции Л. Оффенгенден вскоре покинул редакцию, тем более что Лев Самуилович пользовался авторитетом в коллективе благодаря своей уравновешенности, мягкости характера, природной терпимости к недостаткам ближнего. Он отличался большой плодовитостью и работал без устали. За два десятка лет творческой работы подготовил сотни содержательных материалов для газет, радио и телевидения.*

**Шавкат АХМЕДОВ**

*Подполковник милиции Ш. Ахмедов – журналист с большим стажем. Долгое время он являлся руководителем отдела профилактической службы УВД Ташкентской области, но, несмотря на плотную загруженность по работе, находил время и силы писать. Его статьи хорошо известны читателям газеты «На посту». Их отличает глубина поднимаемых проблем, которые автор знает «изнутри» благодаря истинной профессиональной осведомленности и внутреннему зрению. Поэтому подготовленные им материалы всегда запоминались, радовали читателей.*

**Газета «На посту», №59-60, 1997 г.**

УРОК ДУХОВНОСТИ И ПРОСВЕЩЕНИЯ

# СФЕРА БЕЗ КОРРУПЦИИ: ПРОБЛЕМЫ И РЕШЕНИЯ

**«К сожалению, развитию страны препятствует коррупция в разных проявлениях. Если мы не искореним это порочное явление, нам не удастся создать реально благоприятный деловой и инвестиционный климат, ни одна сфера жизни нашего общества не будет развиваться».**

**Шавкат МИРЗИЁЕВ.**

Одной из важнейших задач политики нашего государства является формирование в обществе атмосферы неприятия коррупции. Ее реализация обеспечивается, прежде всего, путем целенаправленного повышения уровня духовности, правовой культуры населения, достижения максимальной прозрачности процедур предоставления государственных услуг, постоянной адресной профилактической работой, проводимой государственными и местными органами власти.

Вместе с тем, решение стратегических задач по дальнейшему росту экономики, повышению благосостояния народа, улучшению инвестиционного климата в стране требует принятия дополнительных системных мер по обеспечению эффективной реализации политики государства в сфере противодействия коррупции, а также устранению причин и условий ее проявлений.

При этом именно правовые средства и методы могут оказать реальную практическую помощь в этой борьбе. Законы являются связующим звеном в объединении всех здоровых сил, институтов гражданского общества и населения, активизируют общественный контроль над работой государственных органов.

В правовом государстве верховенствует закон, который способствует развитию человека, реализации интересов личности, максимальному функционированию прав и свобод. Республика Узбекистан проводит антикоррупционную политику, которая выражается в комплексе мер, осуществляемых государством и закрепленных законодательно, направленных на изменение условий, в которых возможно взяточничество, и ограничение действия факторов, способствующих появлению и распространению его различных форм.

За последние годы проделана большая работа по созданию нормативно-правовой и институциональной базы в области борьбы с мздоимством, обеспечению прозрачности деятельности государственных и иных органов, доступности информации и укреплению международного сотрудничества в данной сфере.

Узбекистан, ратифицировав в 2008 году Конвенцию Организации Объединенных Наций против коррупции, в 2010 году присоединился к Стамбульскому плану действий по борьбе с коррупцией Организации экономического сотрудничества и развития. В 2017 году был принят Закон Республики Узбекистан «О противодействии коррупции», утверждена Государственная программа по противодействию коррупции на 2019–2020 годы, обновлен состав Республиканской межведомственной комиссии по противодействию коррупции.



Президент Узбекистана Шавкат Мирзиёев отметил: «Пока в борьбу с коррупцией не будут вовлечены все слои населения, лучшие специалисты, пока все наше общество не будет, образно говоря, привито «вакциной честности», мы не сможем достичь поставленных целей. От устранения последствий коррупции мы должны перейти к ее раннему предупреждению».

Правоохранительные органы страны проводят целенаправленную деятельность по выявлению и пресечению правонарушений коррупционного характера, при этом основной упор делается на повышение эффективности выявления и устранения условий, порождающих взяточничество, а также ответственности государственных органов за действенность принимаемых ими мер.

Разработка «дорожной карты» по реализации проекта «Сфера без коррупции» в правоохранительной деятельности, принятая во исполнение Указа Президента Республики Узбекистан «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы противодействия коррупции в Республике Узбекистан» от 27 мая 2019 года, стала важным шагом в данном направлении.

Основными принципами борьбы с данным злом современности в правоохранительных органах, в том числе органах внутренних дел, являются:

– приоритет мер предупреждения злоупотреблений и духовно-нравственных начал борьбы с коррупцией;

– поддержание оптимальной численности управленческого аппарата;

– признание повышенной общественной опасности коррупционных правонарушений;

– недопустимость установления привилегий и преимуществ, кроме предусмотренных законами и международными договорами Республики Узбекистан, ограничивающих ответственность или усложняющих порядок привлечения к ответственности соответствующих лиц;

– неотвратимость ответственности за совершенные правонарушения.

К эффективным мерам по противодействию коррупции в органах внутренних дел следует отнести:

– организацию антикоррупционного образования и воспитания сотрудников ОВД;

– проведение антикоррупционной экспертизы правовых актов МВД Республики Узбекистан;

– пресечение коррупционных правонарушений и отдельных их видов;

– предъявление высоких духовно-нравственных и профессиональных требований к лицам, принимаемым на службу;

– систематическое стимулирование сотрудников за длительное и безупречное исполнение своих обязанностей, честно и неподкупно исполняющих служебный долг, представление их к государственным наградам, почетным званиям, специальным званиям и иным знакам отличия;

– совершенствование института общественного и парламентского контроля над деятельностью органов внутренних дел, в том числе и на основе учета общественного мнения;

– дальнейшее совершенствование механизма взаимодействия между органами внутренних дел и институтами гражданского общества по вопросам противодействия коррупции.

**Алим МАТЧАНОВ,**
**доктор юридических наук,**
**подполковник.**

## Методы борьбы с коррупцией в различных странах

**В Индии** в 2010 году была выпущена особая купюра, с номиналом ноль рупий. Выглядит так же, как обычная, но вместо надписи «подделка денег преследуется законом» имеется другая, «взяточничество преследуется законом». Тираж этих банкнот разошелся очень быстро.

* * *

**В Китае** в 2007 году была создана онлайн-игра «Неподкупный воин». Главный герой сражается с коррумпированными чиновниками с помощью оружия, магии. После уничтожения всех противников, герой попадает в мир без взяточничества и подлости.

* * *

С недавних пор в одном из крупнейших городов **Мексики**, Монтеррее, действует новый экскурсионный маршрут. Голубой автобус, разрисованный «портретами» местных политиков в облике крыс и свиней, с набитыми сумками денег в руках, провозит пассажиров по наиболее «коррумпированным» уголкам города, а также бедным кварталам, где люди едва сводят концы с концами. Проезд бесплатный, тур длится около часа.

* * *

**В Гонконге** в 1974 году была организована госструктура под названием «Независимая комиссия против коррупции» с очень высокими зарплатами сотрудников и офицерами, подчиняющимися лично губернатору. Госслужащим приходилось самим доказывать, что имущество было приобретено ими законно. Если этого не удавалось, их ждал арест и конфискация имущества.

* * *

**В Китае** госслужащие посещают специальные курсы, на которых их учат бороться с соблазном брать взятки. Они медитируют, укрепляют силу духа и занимаются специальными силовыми упражнениями.

* * *

**В Южной Корее** был принят закон, согласно которому каждый совершеннолетний гражданин получил право инициировать проверку в отношении любого чиновника. Комитет по аудиту и инспекции начинал расследование по любому поданному заявлению.

* * *

**В Австрии** старшеклассникам показывают упражнение «Антикоррупционный барометр», в процессе которого они должны оценить, насколько та или иная ситуация является коррупционной.

* * *

**В Нигерии** был создан антикоррупционный комитет, в который, в частности, включили университетских преподавателей.

**По материалам интернета.**

**Это интересно**

## Откуда взялись выражения «зарубить на носу» и «остаться с носом»?

*Раньше носом, помимо части лица, называли бирку, которую носили при себе, чтобы ставить на нее зарубки для учета работы, долгов и т.п. Благодаря этому возникло выражение «зарубить на носу». В другом значении «носом» назывались взятка, подношение. Выражение «остаться с носом» означало «уйти с непринятым подношением, не договорившись».*

Postda
На посту

# ЖОНКУЯР РАҲБАР ЭДИ




**Собиқ иттифоқ даврининг сўнгги йилларида мамлакатда айрим тармоқ газеталари вақтинча ёпилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг нашри ҳисобланган «Postda» ва «На посту» газеталари таҳририяти ҳам фаолиятини тўхтатди.**

**Тўқсонинчи йилларнинг бошларига келиб, иттифоқдош республикалар бирин-кетин мустақилликни қўлга кирита бошлаганларидан кейин матбуот соҳасида ҳам эркинликлар пайдо бўлди. Ана шу даврда фаолиятини тўхтатган «Postda» ва «На посту» газеталари ҳам яна газетхонларга ҳавола этиладиган бўлди. ИИВ раҳбарияти Жазони ижро этиш бош бошқармасида хизмат қилаётган журналист, подполковник Зокир Атаевни «Postda» ва «На посту» газеталарининг муҳаррири этиб тайинлади.**



Зокир Атаев республика газеталари таҳририятларига бориб, янги таҳририят учун кадрлар топди. Ички ишлар идораларида хизмат қилаётган журналист, филолог мутахассислигига эга бўлган ходимларни ишга жалб этиб, ижодий жамоани шакллантирди.

Газетанинг дастлабки сонларини чиқариш осон бўлмаган. Зокир Атаев дастлабки газеталар муштарийлар қўлига етиб борган кунни шундай эслаганди: «Фаолияти тўхтаган таҳририятни яна юргизиб юбориш, яна ижод саҳнасига олиб чиқиш, тўхтаб қолган поездни аввал таъмирлаб, кейин юргизиш билан баробар эди. Лекин ҳар қандай қийинчилик бўлса, енгиб уни уддалаган эдик».

Зокир Атаев шунчаки таҳририятни тиклаб қолмади, уни кенгайтириб, нашрлар сонини оширишга эришди. ИИВ раҳбариятига бошқа республикалар Ички ишлар вазирликларида журнал ҳам чоп этилаётгани, бизда ҳам шуни йўлга қўйиш зарурлигини тушунтириб, розилигини олди.

«Postda», «На посту» газеталари ёнига «Qalqon» ва «Щит» журналлари ҳам қўшилди. Таҳририят жамоасининг сони ошиб, яна ижодкорлар ишга қабул қилинди. Энди жамоа оддий таҳририят эмас, Бирлашган таҳририят деб юритиладиган бўлди.

Зокир Атаев нашрларнинг газетхон ва журналхонларга манзур бўлиши учун ижодкорлардан янги-янги рукнлар, мавзулар топишни, оддий мақолаларни ҳам қизиқарли тарзда ёзишни талаб этарди. Газета саҳифаларида нафақат ички ишлар органлари ходимларининг фаолияти, балки юртимизда номи тез-тез тилга олинадиган машҳур санъаткорлар, адиблар, шоирлар билан учрашув, суҳбатлар уюштирилиши муштарийлар сонининг ошишига олиб келарди. «Postda» газетасининг адади бир юз қирқ мингга яқинлашди. «На посту» газетасининг адади эса ўттиз беш мингдан ошди.

Зокир Атаев оиласида фарзанд тарбиясига ҳам алоҳида эътибор қаратди. Унинг катта ўғли Зафар ота изидан бориб, ҳозирги кунда Сергели тумани ИИОФМБ бошлиғи лавозимида самарали хизмат олиб бормоқда. Кичик ўғли Заур эса – Тошкент вилояти Божхона бошқармаси инспектори, капитан.

ИИВ Бирлашган таҳририятининг тамал тошини қўйишда фаоллик кўрсатган, кўп йиллар бош муҳаррир вазифасида хизмат қилган полковник Зокир Атаевни шогирдлари, ҳамкасблари, сафдошлари тез-тез хотирлаб, унинг таҳририят ривожи учун қилган меҳнатларини эслаб туришади. Зеро, бу инсон қалбларимизда яшаяпти ва яна кўп йиллар яшайди.

**Садриддин ШАМСИДДИНОВ.**

# БОШҚОТИРМАЛАР УСТАСИ



Газеталар қайта ташкил этилган дастлабки кунларданоқ, таҳририятда хизмат қилаётган журналистлардан ташқари, ички ишлар органлари ходимлари ҳам нашрлар саҳифаларида ўз мақолалари, детектив ҳикоялардан таржималари, фидойилик кўрсатаётган ҳамкасблари ҳақидаги лавҳалари, содир этилган жиноятлар тафсилотини акс эттирган мақолалари билан иштирок эта бошлашди.

«Postda» – «На посту» газеталари муштарийлар қўлига етиб борганида, биринчи галда, вазирлик, қолаверса, жойлардаги матбуот хизмати ходимлари хурсанд бўлишди. Энди улар ички ишлар органлари ходимларининг хизматлари акс этган мақолаларини чиқариш учун республика, вилоят газеталаридан ташқари, вазирлик нашрларидан ҳам кенг фойдаланиш имкониятига эга бўлишди. Шу билан бирга, газеталарнинг жамоатчи мухбирлари пайдо бўлиб, улар ўз мақолалари билан фаол иштирок эта бошлашди.

Ана шундай жамоатчи қаламкашлар қаторида истеъфодаги подполковник Ҳамидулла Абдуллаев (марҳум)ни тилга олсак арзийди. У бирмунча вақт шу таҳририятда мухбир сифатида фаолият кўрсатган. Ҳамидулла Абдуллаев китобни жон дили билан севганлардан бири эди. У айниқса хорижий ижодкорларнинг детектив асарларини қизиқиб мутолаа қиларди. Шу билан бирга, бир неча ҳикояларни ўзбек тилига таржима қилади. Улардан айримлари «Postda» газетаси саҳифаларидан жой олади. «Сан-Франциско полициясининг бошлиғи кимга бўйсунади», «Суд залидаги ҳангомалар» ва бошқа детектив ҳикоялар таржимасини ўқувчилар илиқ кутиб олишди.

Бундан ташқари, Ҳамидулла Абдуллаев бошқотирмалар тузишга ҳам моҳир эди. 1991–1995 йилларда газета саҳифаларида турли мавзуларда кроссворд, чайнвордлар эълон қилган.

Ҳамидулла Абдуллаев фахрийлар қаторида таҳририятга тез-тез келиб, ходимлар билан суҳбатлашиб, газета саҳифаларини янада бойитиш учун таклифлар берар, маслаҳатларини аямасди.

**Ўз мухбиримиз.**

# ХОТИРАСИ ҚАЛБИМИЗДА

**«Postda» ва «На посту» газеталари қайта ташкил этилганидан кейин бир қатор тажрибали журналистлар баракали ижод қилишган. Уларнинг ичида фотомухбир Ҳабибулло Шодиевнинг номини алоҳида тилга олиш лозим.**

Ҳабибулло Шодиев Тошкент шаҳрида туғилган. Отаси Шукрулло Шодиев ҳам, онаси Карима Рўзиева ҳам ўз даврининг етук журналистлари бўлган. Шу боисданми, фарзандларнинг тўнғичи – Ҳабибуллога бу касб «юққан» эди.

Беньков номли рассомчилик билим юртини битирган Ҳабибуллони Фарғона вилояти драма театрига ишга юборишади. Театрда бироз фаолият кўрсатгач, ҳарбий хизматга чақирилади. Йигитлик бурчини ўтаб қайтганидан сўнг, Тошкент телевизион марказида оператор ассистенти вазифасида иш бошлайди. Ўша кезлари у жўшқин ижодга кириб келганди. Республиканинг кўплаб вилоятларида бўлиб, заҳматкаш деҳқонлар ҳаёти тўғрисида фото-кинолавҳалар яратади.

Касб тақозоси билан бир неча жойда фаолият кўрсатган Ҳабибулло 1969 йилда Тошкент давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон миллий университети) журналистика факультетининг сиртқи бўлимига ўқишга киради. Иш, ўқишдан вақт орттириб, республикамизда чоп этилаётган газета-журналларда фотолавҳа ва мақолалари билан қатнашиб туради.

1991 йилдан бошлаб фотомухбир Ҳабибулло Шодиев Ички ишлар вазирлигининг нашрлари – «Postda» ва «На посту» газеталарида махсус мухбир вазифасида иш бошлайди. Ўша даврда ички ишлар органлари ходимларининг фаолиятини акс эттирувчи кўплаб фотосуратлар чоп этишга муваффақ бўлади.



У юрт кезган, дунё кўрган ижодкор эди. Венгрия, Германия каби давлатларда бўлиб, у ердаги ҳаёт тўғрисида ҳикоя қилувчи кўплаб суратли лавҳалар яратди.

Ҳабибулло Шодиев оилапарвар, фарзандларининг меҳрибон отаси эди. Турмуш ўртоғи Мавлуда Шодиева билан уч қиз ва икки ўғилни тарбиялаб келишаётганди. Орзу ҳаваси жуда кўп эди унинг... Афсус, орзулари рўёбга чиққанини кўриш насиб этмади. Умрининг сўнгги йиллари «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг нашри – «Ўзбекистон темир йўллари» (ҳозирда «Темирйўлчи» номи билан чоп этилади) газетасида меҳнат қилди. Айни ижоди гуллаган бир даврда ҳаёт шами ўчди. Шафқатсиз ўлим 51 ёшли Ҳабибулло Шодиев – Ҳабиб Шукурни ҳаётдан эрта олиб кетди.

– Дадажонимиз талабчан ва меҳрибон инсон эдилар, – дейди қизи Маҳфузахон кўзига ёш олиб. – У киши ҳар доим: «Меҳнат қилган, ҳунари бор одам ҳеч қачон хор бўлмайди. Қўлдан келганича инсонларга яхшилик қилиш керак», дер эдилар. Дадажонимиз бошлаган эзгу ишларни биз, фарзандлари давом эттиряпмиз. Опам Маҳбубахон – тарбиячи, синглим Мунисхон – ҳуқуқшунос, укам Шерзодбек – дурадгор уста, кенжамиз Ҳожиакбар ҳам ҳуқуқшунос мутахассислигини эгаллади. Ўзим тикувчиман. Хуллас, барчамиз ҳаётда ўз ўрнимизни топиб олганимиз, элу юртга фойдамиз тегаётганини дадажонимиз кўрганларида нақадар қувонган бўлларди.

Меҳрибон инсон, жонкуяр фотомухбир фарзандлари ва ҳамкасблари қалбида абадий яшайди.

**Қобилжон ШОКИРОВ,**
**подполковник.**

# ЗАБАРДАСТ НАШР

**Қарийб бир асрлик ҳаёт йўли. Мамлакатимизда бундай салмоқли фаолият юритаётган нашрлар саноқли. «Postda – На посту» газетаси шулардан бири.**

Халқимиз орасидан мазкур нашрни билмайдиганларни топиш қийин. Ўзим уни мактаб давримдан биламан. Жиноятчиликка қарши кураш, ўқув машқлари ва форма кийган посбонлар ҳақидаги материал ҳамда фотолавҳалар қизиқарли ва завқли туюларди, ўшанда.

Бугун муносабат ўзгача. Мазкур нашрнинг мақсади ва вазифаси муҳимлигини англаш осон. Газета жамиятда ҳуқуқий билимни ошириш, жиноятчиликка қарши кураш ва унинг олдини олиш мақсадида ғайрат қилаётган матбуотдир. Соҳа учун муҳим, доимгидай қизиқарли ва ўқувчилари сони ошиб бораётган газетанинг чоп этиб келинаётганига деярли бир аср бўлибди. Аниқроғи, 90 йил.

Мушоҳада қилсак, аср мобайнида нашрга эҳтиёж, қизиқиш бор, уни мутолаа қилиш анъанага айланиб бўлган. Ибратланса арзигулик тажриба. Дарҳақиқат, «Postda – На посту» газетасида анъана, қадрият ва улкан тажриба бор.

Сир эмас, бугун барча соҳалар сингари матбуот ҳам катта ўзгаришларга юз тутган. Соҳада янгиликлар кўп. Янгича усул, янгича ёндашув, янгича фикр ва мулоҳаза... Миллий ОАВ маконида «Postda – На посту» каби салмоқли газетанинг борлиги жудаям аҳамиятли ва зарур.

Газета бугун ҳам саҳифаларида долзарбликни, холисликни ва теранликни мустаҳкам ушлаб турибди. Шакл ва сифат жиҳатидан газета замонга мутлақ мос. Сиёсий жараёнларнинг доимий иштирокчиси ва ёритгувчиси сифатида ўзининг мустаҳкам позициясига эга. Забардаст нашр!

Умид қиламанки, ижод йўлида «Postda – На посту» билан туташ манзилларимиз кўпаяди. Ўзаро манфаатли лойиҳалар амалга оширилади.

«Postda – На посту» газетаси таҳририятига 90 йиллик сана муборак бўлсин! Нашрнинг сергайрат ходимларига мустаҳкам соғлиқ ва хотиржамлик тилаймиз. Газета фахрийларини эътироф этамиз.

Муассисни, ижодий жамоани яна бир бор жамоамиз номидан кутлайман. Юрт равнақи йўлида қилаётган ишларингизнинг самараси зиёда бўлсин!




**Жаҳонгир МАКСУМОВ, «Huquq» газетаси таҳририяти бош муҳаррири.**




**Мен «Postda – На посту» газетасининг ашаддий мухлисларидан бириман. Ҳар гал газетани катта қизиқиш билан қўлга оламан, ютоқиб мутолаа қиламан.**

# СЎЗИМДА МУБОЛАҒА ЙЎҚ

Бу сўзларим кимгадир шунчаки мақтов учун айтилаётгандек туюлишини сезиб турибман. Чунки табрик ёки мақтовда фақат яхши гаплар айтилади-да...

Лекин ишонинг, сўзимда асло муболаға йўқ: «Postda – На посту» газетаси ҳар қандай яхши гапга, мақтовга лойиқ отахон газета. Зеро, 90 йил кичик муддат эмас. У бир инсон умрини ўз ичига оладиган табаррук давр. Бу йиллар давомида газета ўз сўзига, услубига эга нашр сифатида сайқалланди, ранг-бaранглашди. Бундай ўзгаришлар газетхонлар эътиборидан четда қолгани йўқ.

Мен газетанинг ҳар сонини катта қизиқиш билан кузатиб бораман. У юртимиз осойишталигини, тинчлигини кўз қорачиғидек авайлаб-асраётган Ватан посбонларининг маҳоратидан, матонатидан, жасоратидан сўзлайди. Сўзлаганда ҳам юракка етказиб сўзлайди. Бундан хулоса қилиб айтишим мумкин: газета ўз атрофига сўзни қурол, ҳақиқатни дастак қилган, журъатни фазилат деб билган моҳир қалам аҳлини жамлаган. Улар мамлакатимиздаги ўзгариш ва янгиланишларни замонга мос равишда тезкорлик ва моҳирлик билан халқимизга етказмоқдалар, бу уларнинг ўз касбига фидойи ва жонкуярлигидан далолат беради.

Фурсатдан фойдаланиб, бу фидойи жамоани кутлуғ кун билан самимий муборакбод этаман. Нашр ўз рейтингини баланд сақлаб, ҳар доим муштарийларнинг севимли газетаси бўлиб қолсин!

**Аҳрор ОЧИЛОВ, «Ватанпарвар» Бирлашган таҳририяти бош муҳаррири, майор.**

# ЎЗИМИЗНИНГ ГАЗЕТА

XX асрнинг бошларида асос солинган матбуот нашрлари орасидан саноқлигина газета ва журналлар бугунги кунга қадар фаолият кўрсатмоқда. Улар орасида «Postda – На посту» газетасининг борлиги ҳар бир ички ишлар органлари ходимига фахр ва ифтихор туйғуларини бахш этади.

Газета ички ишлар органлари ходимларининг ҳаёти ва фаолияти, қонунчиликда олиб борилаётган ислоҳотлар, соҳада қабул қилинган меъёрий ҳужжатларнинг моҳияти, ички ишлар органларининг жамиятда тутган ўрни, тизимда хизмат қилаётган ходимларнинг орзу-умидлари ва мақсад-истакларини тўла-тўкис ёритиб беришда алоҳида аҳамият касб этади.

Бир сўз билан айтганда, ички ишлар тизимининг фахрига айланган «Postda – На посту» газетасини ўқиб, ҳар бир инсон ўзи учун маънавий озуқа, ҳуқуқий билим ва эстетик завқ олади.

Фурсатдан фойдаланиб, Самарқанд вилояти Ички ишлар бошқармаси «Postda – На посту» газетасининг 90 йиллик юбилейи билан табриклаб, келгусида мазкур таҳририят жамоасига мустаҳкам соғлиқ, ижодий зафарлар тилаб қолади.

**Самарқанд вилояти ИИБ.**






# 30 ЙИЛКИ АШАДДИЙ МУШТАРИЙМАН

«Postda – На посту» газетаси билан ошно бўлганимга, унинг доимий мухлисига айланганимга деярли 30 йил бўлибди. Хизматга келмасдан олдин ҳам уни излаб топиб ўқиб юрганим ҳали-ҳамон эсимда. Ўшанда киоскаларда сотиладиган газета ҳамиша қўлма-қўл бўлиб кетар, унда бир-биридан қизиқ мақолалар, детектив материаллар кўп чоп этиларди. Ҳозир ҳам уни доимо кузатиб бораман, оилавий газетамизга айланган. Ўзим ҳам унинг саҳифаларида бир-неча марта чиққанман.

Ички ишлар органлари ходимларининг машаққатли ва масъулиятли хизматини матбуот орқали кўрсатиб бераётган, халқимизга етказаётган газета жамоасини, бутун соҳавий хизматларни, муштарийларни нашрнинг 90 йиллиги билан чин қалбимдан табриклайман. «Postda – На посту» барчамиз учун севимли газета бўлиб қолсин!

**Фахриддин БЕРДИЕВ, Олмазор тумани ИИОФМБ Навбатчилик қисми катта навбатчи инспектори, подполковник.**

# ИЖОДИЙ БАРКАМОЛЛИК ТИЛАЙМАН!

Ҳар гал «Postda – На посту» газетасининг янги сонини қўлимга олар эканман, она Ватанимиз осойишталигини муносиб ҳимоя қилиб келаётган ички ишлар органлари ходимларининг машаққатли хизматларини тарих саҳифаларига муҳрлаётган ушбу жамоанинг жонкуяр ходимларига тасаннолар айтаман!

Айни дамда 90 йиллик юбилейини нишонлаётган бу нашрга янада юксак муваффақият ва ижодий баркамоллик тилайман!




**Шаҳбоз МИРЗАЕВ, Миллий гвардия 65/921-ҳарбий қисм фахрий қоровул батальони командирининг ўринбосари, капитан.**

## БИЛАСИЗМИ?

Қоғоз Хитойда ихтиро қилинган. Хитойликлар қолдин ўз битикларини бамбук танасига битишган. Аммо бу архив кўп жой эгалларди. Эрамизнинг 105 йили деҳқончилик ва ерга эгалик қилиш вазири Цай Лунь дарахт танасининг майдаланган кукуни ва мато аралашмасидан қоғоз ишлаб чиқаришни таклиф қилган.



Хитойликлар узоқ йиллар қоғоз ишлаб чиқариш сирларини дунё аҳлидан сир тутишган. Аммо VIII асрда араблар Хитой билан ўзаро уруш жараёнида бир неча аскарни асирга олишади. Улар айни қоғоз ишлаб чиқариш саноатида ишлар экан. Шундай қилиб, асирлар ёрдамида Ироқнинг Бағдод шаҳрида ҳам қоғоз ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

К ДНЮ ПАМЯТИ И ПОЧЕСТЕЙ

# СПАСИБО ВАМ, ЧТО МЫ ВОЙНЫ НЕ ЗНАЕМ

**Наступление мая ассоциируется у всех, независимо от возраста, с всенародным праздником – Днем Памяти и Почестей. Этот день приходит к нам, все дальше отодвигая 9 мая 1945 года – день, когда была поставлена точка во Второй мировой войне.**

Мы многое знаем о той эпохе из книг, фильмов, а самое главное – из рассказов людей, переживших те страшные годы: воевавших на фронтах, ковавших победу в тылу, восстанавливавших разрушенные города и села. Немало среди них и тех, кто в мирное время продолжил борьбу, но уже с другим врагом – врагом правопорядка и спокойствия народа. Практически о каждом из них сотрудники Объединенной редакции МВД республики не раз готовили очерки, приводили их воспоминания в репортажах с праздничных торжеств. Сейчас, перелистывая подшивки газет и журналов, испытываешь грусть: как неумолимо время, уносящее героев тех лет…

Отрадно, что нынешнее поколение стражей правопорядка, принявшее эстафету из рук героев, не забывает о них, оказывает внимание, навещает. Они пока рядом с нами. Им, поверьте, не нужны дорогие подарки и громкие слова, им необходимо внимание, чтобы они чувствовали, что о них помнят, их почитают.

Накануне Дня Памяти и Почестей сотрудники Управления кадров ГУВД г. Ташкента вместе с коллегами из районных Управлений координации деятельности органов внутренних дел решили помочь ветеранам и провести работу по благоустройству их придомовых территорий и самих домов.

На днях заместитель начальника Управления кадров ГУВД, а также сотрудники отдела внутренних дел № 5 УКД ОВД Сергелийского района, отделов внутренних дел №№ 6 и 7 УКД ОВД Шайхантахурского района и отдела внутренних дел № 3 УКД ОВД Юнусабадского района побывали у ветеранов Второй мировой войны и трудового фронта, многие годы прослуживших в органах внутренних дел – подполковника в отставке Абдувохида Абидова, младшего сержанта в отставке Каххара Халматова, Анны Абдушукуровой, а также Вали Закирова и Тургунбая Азимова.





Соблюдая все санитарные нормы и карантинные правила, в каждом из дворов и на прилегающей к домам территории сотрудники ГУВД высадили цветы и саженцы деревьев. Там, где требовалось, дворы и приусадебные участки были приведены в порядок, отремонтированы и выкрашены фасады, заборы, ворота. И, конечно, каждому вручили цветы и гостинцы.

Ветераны выразили благодарность руководству МВД и ГУВД г. Ташкента за то, что не забывают, навещают и поддерживают. А еще поздравили от имени всех здравствующих ветеранов Второй мировой войны с праздником 9 Мая. Пожелали им крепкого здоровья, долгих лет жизни, а молодым сотрудникам и подрастающему поколению – мирного неба над головой, отметив, что самое главное – это мир и благополучие.

**Соб. корр.**

СЫНЫ ОТЕЧЕСТВА

# Он в памяти всегда



**Был в нашей жизни замечательный человек-легенда, имя которого золотыми буквами вписано в историю органов внутренних дел Узбекистана. Человек, прошедший огненными дорогами войны, проявивший мужество и героизм на полях сражений, беспощадно громивший врага, чтобы благодарные потомки жили в мире и спокойствии. Имя этого героя – генерал-лейтенант Бурхан Хасанович Сираждинов.**

Спустя годы прославленный генерал с болью в сердце вспоминал о страшных и жестоких боях, в которых ему довелось участвовать, о том, как с уцелевшими боевыми товарищами выходил из окружения. Артиллерийский батальон, в котором служил Сираждинов, отчаянно отбивал атаки врага, взявшего его в кольцо, и это смертоносное кольцо сжималось все сильнее и сильнее. Вокруг пылал кромешный ад, выбраться из которого казалось невозможным. Но мужество воинов, их сила и дух оказались выше огня и смерти. Сколько тогда ребят полегло. Доводилось им мерзнуть от холода, голодать, идти в атаку, истекать кровью, погибать после ранений. Они прошли через все, но не уступили врагу ни пяди родной земли, и за край родимый ушли громить врага на дальние подступы.

…Судьба смилостивилась над отчаянными смельчаками из артиллерийского батальона и дала еще один шанс на победу…

…Офицер Бурхан Сираждинов окончил войну в звании майора, а потом стал преподавать в Подольском артиллерийском училище. В 1946 году он вернулся домой и военную службу продолжил уже в Узбекистане.

Родился наш герой в Канибадаме – небольшом городке в Республике Таджикистан, что находится близ Ферганы. Отец, Сираждин ота, кустарь-сапожник, вместе с супругой Хурсаной вырастили и воспитали шестерых детей, и Бурхан был среди них третьим по счету ребенком. Это была многодетная сельская семья, где чтили национальные обычаи, традиции, а детей воспитывали в трудолюбии, почитании и уважении старших. После окончания десятилетки Б. Сираждинов поступил на физико-математический факультет Государственного педагогического института в г. Фрунзе (ныне Бишкек, столица Кыргызстана), при этом еще преподавал в местной школе, помогая родителям, семье. А потом грянула война…

…Службу в органах внутренних дел Бурхан Сираждинов начал в г. Ташкенте, после окончания Академии им. Дзержинского. Опытный кадровый офицер был назначен начальником отдела дивизии внутренних войск МВД Узбекистана. После стал командиром данной дивизии, где прослужил многие-многие годы. Его стараниями были организованы Высшие военные курсы МВД бывшего Союза, которые он впоследствии возглавил. Сегодня это Военно-технический институт Национальной гвардии Республики Узбекистан – кузница профессиональных военных нашей страны. Память об основателе и родоначальнике Института золотыми буквами внесена в славную историю образовательного учреждения.

Послужной список прославленного генерала насчитывает более шестидесяти лет. Он был мужественным, сильным, смелым и выносливым, закаленным в боях и невзгодах, при этом оставался интеллигентным, порядочным человеком, чутким, грамотным и очень-очень одаренным. Благодаря генерал-лейтенанту Бурхану Сираждинову в войсковую музыку были введены национальные инструменты, что в корне изменило ее смысл, звучание, обогатило ее духовно. В благодарность за верность музыке и как признание высоких заслуг его друг – талантливый композитор и главный дирижер Отдельного образцово-показательного оркестра МВД Республики Узбекистан полковник Григор Терзян написал замечательный марш «Генерал Сираждинов», в котором звучат элементы национальной музыки. Сегодня его исполняют на всех торжественных мероприятиях МВД республики.

Следует отметить, что достойные наследники прославленного генерала и ныне продолжают его дело, преданно служа Родине.

Светлая память о человеке-легенде – генерале Бурхане Сираждинове жива в наших сердцах. Вспоминая тех, кто прошел огненными дорогами войны, кто так много сделал для страны, мы отдаем дань уважения этому замечательному человеку, истинному сыну узбекской земли.

**Георгий ПЕТРОСЯН,**
**корреспондент «На посту».**
**Фото из архива.**

ПРЕЕМСТВЕННОСТЬ

# НИКТО НЕ ЗАБЫТ, НИЧТО НЕ ЗАБЫТО



**Прошло больше полувека с тех пор, как наши прадеды и деды одержали победу во Второй мировой войне. Каждый год мы отмечаем День Памяти и Почестей, отдавая дань тем, кто пожертвовал жизнью ради последующих поколений. Мой прадедушка, Пётр Вахрамеевич Севрюгин, тоже был участником войны, прошел ее от начала до конца.**

Он родился в 1902 году в Тайпакском районе Казахстана, рано остался сиротой и воспитывался у своих родственников. В 1925 году прадеда призвали в армию, где он прослужил до 1929 года, а когда началась война, в 1941-м, добровольцем ушел на фронт. Его определили в 129-ю стрелковую бригаду, затем он служил в 985-м стрелковом и 237-м гвардейском стрелковом полках. В 1943 году прадед вместе с товарищами бесстрашно ворвался на окраину города Острогожска, за который шел бой. Они взяли в плен 36 фашистов. В январе того же года, захватив дом в деревне Глазово, в течение двух дней он держал оборону от наступающего врага.



Пётр Вахрамеевич Севрюгин был награжден тремя медалями: «За отвагу», «За мужество» и «За победу над Германией», а также двумя орденами Красной Звезды.

Сейчас его нет, но мы помним о нем...

У каждого человека должен быть герой, на которого он хочет быть похожим. Мой герой – прадедушка. Закончив академический лицей, я обязательно поступлю в Академию МВД, чтобы в дальнейшем, как мой прадедушка, защищать свою Отчизну.

**Камила МУХАММАДИЕВА,**
**учащаяся 204-й группы Сырдарьинского академического лицея МВД Республики Узбекистан.**

ЖЕНСКИЙ ВОПРОС

**Женщину образно называют нежным созданием природы, нуждающимся в заботе и внимании. Но в жизни не все и не всегда протекает гладко…**



# ПОМОЩЬ В НЕПРОСТОЙ ЖИЗНЕННОЙ СИТУАЦИИ

Закон Республики Узбекистан «О защите женщин от притеснения и насилия» направлен на ограждение женщин от всех форм притеснения и насилия – в семейной жизни, на работе, в сфере образования и др. Важная особенность нормативно-правового акта заключается в том, что им предусмотрена выдача охранного ордера женщинам, оказавшимся в непростой жизненной ситуации.

Целенаправленная работа по предупреждению, выявлению и пресечению притеснения и насилия в отношении женщин ведется сотрудниками ОПП ОВД Янгибазарского района Хорезмской области. Женщинам, ставшим жертвами притеснения и насилия, предоставляются юридические консультации, оказывается содействие в их трудоустройстве.

Индивидуальные профилактические беседы проводим с лицами, склонными к совершению притеснения и насилия в отношении женщин: разъясняем нормы и общепринятые правила поведения, правовые последствия антисоциальных действий, предупреждая о возможном привлечении к ответственности.

После вступления в силу Положения о порядке выдачи охранного ордера, необходимого для обеспечения безопасности женщин, усилиями сотрудников отдела 8 жительницам района, столкнувшимся с семейными проблемами и бытовым насилием, выданы охранные ордера. В результате работы инспекторов профилактики, актива махаллей удалось примирить ряд семей, находившихся на грани развода.

Так, в целях проверки информации о сложной ситуации в семье гражданки С. Т., проживающей в махалле Катли, были изучены условия ее жизни, а также обстановка, сложившаяся в ее доме. Установлено, что глава семьи – гражданин Г. Р., злоупотребляя спиртными напитками, оказывает психологическое давление и насилие в отношении С. Т. и их ребенка. В отношении Г. Р. были установлены соответствующие ограничения, а его супруге сроком на один месяц выдан охранный ордер. При этом с данной семьей продолжали проводить профилактическую работу. Гражданин Г. Р., сделав соответствующие выводы, исправил свое поведение. Семья как ячейка общества сохранена.

**Юлдуз КАЛАНДАРОВА,**
**старший инспектор по вопросам женщин ОВД Янгибазарского района, майор.**

*Хорезмская область.*

КАРАНТИН

# Соблюдайте правила, чтобы не попасть на штрафплощадку

**В Самарканде продолжаются рейды по соблюдению карантинных мер с участием сотрудников Управления безопасности дорожного движения, Национальной гвардии и Государственной инспекции санитарно-эпидемиологического надзора при Кабинете министров Республики Узбекистан.**

С 30 апреля несколько смягчены ограничительные меры и разрешено с 7.00 до 10.00 утра и с 17.00 до 20.00 вечера пользоваться личным и служебным легковым транспортом, велосипедами и мототранспортом для поездок на работу и за покупками. Однако некоторые водители стараются обойти установленные правила и придумывают отговорки, передвигаясь в любое удобное для них время.



Во время рейда был остановлен житель махалли Богимайдон г. Самарканда Д. А., в салоне которого находились трое пассажиров, направлявшихся на Сиабский рынок. По словам мужчины, он бесплатно вез их с массива Сартепо до базара. На вопрос, зачем он направился в Сартепо, мужчина ответил, что каждое утро посещает частную клинику и получает лечение. Его попросили предъявить какие-либо документы, подтверждающие данный факт, но пожилой мужчина так и не смог это сделать.

Протокол о нарушении карантинных мер был составлен и в отношении водителя автомобиля марки Chevrolet Lacetti Ш. М., направлявшегося в банк для оплаты кредита. Водитель желтого такси, принадлежащего ООО «TAXI CITY», не смог объяснить, зачем едет в банк, если работает «на доставке». Подобных доводов, лишенных логики, в этот день прозвучало немало.

– Смягчение карантина не дает право людям передвигаться в неположенное время, – говорит сотрудник УБДД УВД области старший сержант Хуршид Сафаров. – Многие водители ссылаются на здоровье, но это не означает, что нужно нарушать правила. Если у людей имеются проблемы со здоровьем, то им следует вызвать медперсонал из семейной поликлиники или же обратиться в службу «скорой помощи».

Хотелось бы напомнить, что подобные рейды будут продолжаться, а водители, передвигающиеся без специального разрешения, – штрафоваться по части 2 статьи 54 Кодекса об административной ответственности («Нарушение правил борьбы с эпидемиями»), а их автомобили – помещаться на штрафплощадку.

**Замира БАЛТАЕВА,**
**корреспондент «На посту».**
**Фото автора.**

*Самаркандская область.*



# ТЎҚСОН ЁШЛИ «POSTDA»МИЗ



Нигора Парпиева · Эркин Сатторов · Азиза Боҳодирова · Бернора Садикова · Азизжон Файзиев · Жаҳонгир Шарофбоев · Жасур Абдураззоқов



Борис Клейман · Бобомурод Тошев · Георгий Петросян · Зуҳра Ашурова · Темир Қурбонов · Худойберган Жабборов · Камол Оллоёров



Гулнора Содиқова · Динара Шомуҳаммедова · Тўлаган Абдуллаев · Фозилжон Мамашарипов · Абу Кенжаев · Зокир Болтаев · Гулчеҳра Азимова



Михли Сафаров · Ҳилола Ахмеджонова · Азиза Жониева · Шерзод Абдусамадов · Мукаддас Орифжонова · Гўзал Жафарова · Иномжон Раҳимхўжаев



Алижон Абдусатторов · Зульфия Кутчанова · Сарвар Собиров · Нигора Муҳаммеджонова · Азиза Аъзамхўжаева · Радик Тумпаров · Адолат Файзиева



Мирзоқул Аҳадов · Азамат Пирниязов · Нилуфар Сапаева · Замира Балтаева · Абдувосит Сидиқов · Содиқ Раҳимов · Юля Ким





Фахриддин Эшқобилов · Акбар Болтаев · Илҳом Жуманов · Барно Алиқулова · Акром Эсонов



Содиқ Ҳакимов · Мухаррам Муҳамедова · Илҳом Болтаев · Қаҳрамон Рихсибоев · Абдусаттор Собиржонов

*Амалда ҳам, сўзда ҳам,*
*Юртга камарбастамиз.*
*Кўришамиз юзда ҳам,*
*Тўқсон ёшли «Postda»миз.*

*Яшаб шу олам билан,*
*Сўз сеҳри – малҳам билан,*
*Қалб билан, қалам билан,*
*Тўқсон ёшли «Postda»миз.*

*Мадҳ этиб посбонларни,*
*Юртга чин қалқонларни,*
*Мард, содиқ ўғлонларни,*
*Тўқсон ёшли «Postda»миз.*

*Ёзиб қалб кўри билан,*
*Кўзимиз нури билан,*
*Илҳомнинг зўри билан,*
*Тўқсон ёшли «Postda»миз.*

*Излаб чин қаҳрамонни,*
*Юрт учун фидо жонни,*
*Битажакмиз достонни,*
*Тўқсон ёшли «Postda»миз.*

*«На посту» русийзабон,*
*«Qalqon-Щит» ҳам қадрдон.*
*Қаранг, ҳамон навқирон –*
*Тўқсон ёшли «Postda»миз.*

*Меҳр бериб ёзамиз,*
*Меҳрингиздан ўсамиз.*
*Ҳамкасблардан ўзамиз,*
*Тўқсон ёшли «Postda»миз.*

*Бугун замон шиддаткор,*
*Вақт билан ҳисоб даркор.*
*Бизда куч, маҳорат бор,*
*Тўқсон ёшли «Postda»миз.*

*Касбдан топиб бахт, иқбол,*
*Ризқимиз териб ҳалол,*
*Яна юз йил бемалол,*
*Туражакмиз «Postda» биз.*

**Жаҳонгир ШАРОФБОЕВ.**

# АСР БИЛАН БЎЙЛАШАЁТИР

**ИИВнинг «Postda» ва «На посту» нашри 1930 йил 12 майдан чиқа бошлади. Газеталар дастлаб фақат ички ишлар органлари ходимларига мўлжалланган бўлиб, унда ходимлар фаолиятига оид материаллар бериб борилган. Ўша даврда бир ойда уч марта, 150 нусхада чоп этилган бўлса, 50-йилларга келиб, газеталар тиражи 6 мингга етди. Таҳририят ходимларининг саъй-ҳаракати билан 1960 йилдан эътиборан ҳафтасига икки марта, 10 минг нусхада чиқа бошлади.**



1965 йил 1 августдан бошлаб нашрларнинг кенг жамоатчиликка мўлжалланган якшанба сонларини чоп этиш йўлга қўйилди. Газеталар тез оммалашди, муштарийларнинг талаб-эҳтиёжларидан келиб чиқиб, 1970 йилдан ҳафтада уч марта босила бошлади.

XX асрнинг 90-йиллари бошида Ички ишлар вазирлиги раҳбарияти ташаббуси билан «Postda» ва «На посту» газеталарини қайта тиклашга қарор қилинди. 1991 йил 1 январда икки тилда алоҳида чоп этилган нашрларнинг илк сони ички ишлар органлари ходимлари ва кенг жамоатчиликка етиб борди.




Дастлаб тўрт саҳифадан иборат бўлган газеталарни ҳафтада уч марта чиқариш йўлга қўйилди. Таҳририят моддий базаси мустаҳкамлангач, саҳифалар сони саккизтага етказилди, кейинчалик эса 16 саҳифада чоп этилди. Нашрларни қайта тиклашда Зокир Атаев, Ғайрат Болтабоев, Константин Тимохин, Сиддиқхўжа Сулаймонхўжаев, Ҳабибулла Шодиев каби инсонларнинг хизмати катта бўлди.

1998 йилнинг март ойида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг тегишли буйруғи билан «Postda» ва «На посту» газеталари таҳририяти базасида ИИВ Бирлашган таҳририяти ташкил этилди. Ўша йил сентябрь ойида «Qalqon» ва «Щит» журналларини чоп этиш йўлга қўйилди.

Газета ва журналларда берилаётган материалларнинг савияси яхшиланди, мундарижаси кенгайтирилди, мақолаларнинг ҳар бир нашр учун алоҳида-алоҳида, айнан бир-бирини такрорламайдиган қилиб тайёрлашга эътибор кучайтирилди, дизайни замон талабига жавоб берадиган даражага келтирилди. Шунингдек, «Сулола», «Ибрат», «Соҳа фидойилари», «Қонун – ҳуқуқ кафолати» каби саҳифалар ҳам ташкил этилди.



«Qalqon» ва «Щит» журналларида ички ишлар органлари ходимларининг машаққатли хизматини таҳлилий ёритишга, хориж полиция фаолиятига бағишланган материалларга, суд очеркларига, бадиий иқтидорга эга ички ишлар органлари ходимлари асарларини чоп этиб боришга асосий эътибор қаратилди.

Шу ўринда ИИВ Бирлашган таҳририяти ижодий ходимларининг фаолияти мамлакатимиз миқёсида алоҳида эътироф этилаётганини айтиб ўтиш ўринли бўларди. Адлия вазирлиги томонидан ўтказилган «Энг яхши ҳуқуқий мақола», «Биз коррупцияга қаршимиз» каби кўрик-танловида, Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситаларини ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш жамоат фонди ҳамда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси томонидан ўтказилган «Матбуот маликаси – 2008» танловида, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси томонидан ўтказилган «Олтин қалам» халқаро танловида «Энг яхши фоторепортаж» номинациясида, «Энг улуғ, энг азиз», «Жамият ва мен» Республика танловларида ғолиб деб топилган Қорақалпоғистон Республикаси бўйича ўз мухбири бўлиб ишлаган Дурдибой Худойшукуров, мухбир Муҳаббат Ибрагимова, фотомухбир Абу Кенжаев, бош муҳаррир ўринбосари лейтенант Азиза Боходирова, мухбир, катта лейтенант Михли Сафаровларнинг ҳамда «Инсон ҳуқуқлари журналист нигоҳида» кўрик-танловида фахрли учинчи ўринни эгаллаган, ҳозирда Россия Федерацияси ИИВ Бирлашган таҳририятида мухбир бўлиб ишлаётган Елена Кузнецоваларнинг ҳиссаси катта бўлди.




2020 йилда 12 май куни ИИВ нашрлари бўлган – «Postda – На посту» газетасининг 90 йиллигини нишонлаган таҳририят ходимлари янги ютуқларга юз тутиб, қизғин ижодий изланишлар олиб бормоқда.



**Сизларни ва газетанинг минг-минглаб мухлисларини Ўзбекистон Республикаси ИИВ нашри чоп этилиши бошланганига 90 йил тўлиши муносабати билан чин қалбимдан муборакбод этаман.**



## ИЖОДИЙ ПАРВОЗИНГИЗ ЮКСАК БЎЛСИН

Ўз фаолиятини 1991 йилдан тикланган газета қисқа муддат ичида ҳуқуқ-тартибот мавзусидаги нашрлар ўртасида ўзининг муносиб ўрнини эгаллади ва газетхонларнинг катта ҳурмат-эътиборини қозонди. Буни ўша пайтда газетанинг адади республикада энг кўп бўлганлигидан ҳам билиш мумкин.

Шу ўринда газетанинг қайта тикланишида ва дадил оёққа туришида кўп заҳмат чекан Қурбон Боймуродов, Зокир Атаев, Сиддиқ Сулаймонов, Раҳмонали Қосимов, Муҳаббат Ибрагимова, Исмоил Шомуродов, Исмоил Минавваровлар номларини ҳурмат билан тилга олиб ўтишни истардим.

Бугунги кунда таҳририят ўз олдида турган масъулиятли ва шарафли вазифани аъло даражада ўтаб келмоқда. Албатта, кенг жамоатчилик, журналистика аҳли ва газетхонлар томонидан билдирилаётган бундай юксак эътироф замирида таҳририятнинг ўнлаб иқтидорли қаламкашларининг хизматлари беқиёс бўлмоқда.

ИИВ Фахрийлар кенгаши ҳамда вилоятлар ИИБ Фахрийлар кенгашлари аъзолари ҳам «Postda – На посту» газетасини севиб ўқишади.

Мен фурсатдан фойдаланиб, Бирлашган таҳририят жамоасига ижодий парвозлар, мустаҳкам сиҳат-саломатлик ва эл осойишталиги посбонларининг севимли газетаси бўлиб қолишини тилайман.

**Ғайратжон БОЛТАБОЕВ,**
**ИИВ Фахрийлар кенгаши аъзоси, истеъфодаги полковник.**

## МУНОСИБ ЎРНИ БОР

**Сизларни тарихий кунлардан бири бўлган қутлуғ айём – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Бирлашган таҳририятининг нашри «Postda – На Посту» газетаси ташкил этилганлигининг 90 йиллиги муносабати билан Жиззах вилояти Ички ишлар бошқармаси шахсий таркиби, Фахрийлар кенгаши ва шахсан ўз номимдан самимий муборакбод этаман.**



«Postda – На посту» газетаси ўзининг кўп йиллик тарихи ва тажрибасига эга бўлиб, бугунги кунда мамлакатимизда ва республика ички ишлар органларида амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маданий ислоҳотлар тўғрисидаги ахборотларни шахсий таркибга тезкор ва холисона етказиш, ходимларнинг маънавиятини ва ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий ҳамда ҳуқуқий билимларини юксалтириш, қонунчилик тарғиботини амалга ошириш, ёш ходимларни Ватанга садоқат ва қасамёдга содиқлик руҳида тарбиялаш, халқ орасида ички ишлар органларининг шаъни ва обрў-эътиборини юксалтиришда уларнинг ўрни беқиёсдир.

Газетада ички ишлар органлари ходимларининг машаққатли ва шарафли хизмати, соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларни таҳлилий ёритиш, хорижий давлатлар ички ишлар тизимлари фаолиятига бағишланган материаллар, бадиий иқтидорга эга ходимларнинг ижоди ҳамда кун қаҳрамонлари хизмат фаолияти намуналаридан чоп этиб борилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ватанимиз тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш йўлида хизмат қилиб келаётган ички ишлар органлари ходимларининг хизмат фаолиятини ёритиш, шунингдек, жаҳонда ва мамлакатимизда содир бўлаётган ижтимоий-сиёсий жараёнлар, воқеа-ҳодисалар, маданият, маънавият, спорт ва соғлиқни сақлаш соҳаларидаги янгиликлар ҳақида ҳаққоний маълумотларни етказиш борасидаги фидокорона меҳнатларингизда улкан муваффақиятлар тилайман.

**Ғайрат ҚОДИРОВ,**
**Жиззах вилояти ИИБ бошлиғи, генерал-майор.**

К 90-ЛЕТИЮ ГАЗЕТЫ «POSTDA»-«НА ПОСТУ»

# МНЕНИЕ ЧИТАТЕЛЯ

**Анвар ДЕВЯТОВ, председатель Совета ветеранов Академии МВД Республики Узбекистан, полковник в отставке:**

– Газету «Postda»–«На посту», освещающую многогранную деятельность органов внутренних дел, читаю вот уже более 40 лет. Со всей ответственностью могу говорить о том, что у нашей ведомственной газеты есть свой твердый и ясный почерк. Журналистам, авторскому коллективу Объединенной редакции удалось сделать издание интересным, информационно насыщенным, востребованным, завоевать признание не только сотрудников ОВД, но и широкой читательской аудитории.

Большой интерес вызывают материалы, посвященные лучшим подразделениям, о новшествах, внедряемых в их деятельность, а также статьи авторитетных специалистов, подготовленные в рамках правовой пропаганды, разработки уроков духовности и просвещения. Газета не обходит актуальные темы, вынося на суд общественности проблемы, волнующие людей.

Отдельно хотел бы отметить значение статей о буднях сотрудников, несущих нелегкую службу в органах правопорядка, добивающихся высоких результатов, очерки о заслуженных ветеранах. Материалы о преданности профессиональному долгу, несомненно, формируют у молодого поколения сотрудников чувство гордости, стремление к образцовой службе.

Отрадно, что выходящая с 1930 года «Postda»–«На посту» идет в ногу со временем и активно занимает место в электронном медиапространстве: сайт postda.uz, Telegram-канал придают изданию еще большую оперативность.

Коллективу редакции от всей души желаю новых творческих взлетов, успехов и преданных читателей!



За законность и правопорядок!

На посту

ИЗДАТЕЛЬ-КОЛЛЕГИЯ МВД УЗБЕКСКОЙ ССР

***На протяжении вот уже многих десятилетий газеты «Postda»–«На посту» освещают деятельность органов внутренних республики, рассказывая о специфике службы, непростых буднях стражей правопорядка. Описывая повседневную практику, издания стремятся отображать ее как можно полнее, отражая реалии жизни ОВД. Немало ярких страниц подготовлено нашими корреспондентами, которые в жанре фоторепортажа запечатлели работу различных подразделений. Такие материалы – широкая историческая панорама деятельности личного состава служб ОВД, обеспечивавших общественный порядок на вверенной территории.***

# СЛУЖБА: ДНИ И НОЧИ

Спокойствие на наших улицах… Это важнейшая составная часть того, что вкладывается в емкое, многоплановое понятие – общественный порядок. А порядок, как известно, не приходит сам по себе, он создается. И достигается это тем успешнее, чем больше организованность, упорядоченность тех сил и средств, которые призваны по своему назначению противостоять всему тому, что посягает на общественный порядок в наших городах, поселках.

Мирзо-Улугбекский район столицы – это и центральная часть города, и крупные жилые массивы, шагнувшие до его окраин, сотни улиц, площадей, мест интенсивного посещения горожанами и приезжими, с утра до позднего вечера заполненных людьми. Поддержание общественного порядка здесь – задача, требующая к себе самого пристального внимания, мобилизации на ее решение практически всех имеющихся в РУВД сил и средств. Опыт, как организовать охрану общественного порядка, чтобы максимально были учтены особенности криминогенной обстановки района, у районного управления внутренних дел есть. А в последнее время активно осуществляются меры, направленные на улучшение системы управления силами и средствами, повышение профессиональной выучки.









Многое сделано для укрепления патрульно-постовой службы, на которую ложится вся тяжесть обеспечения охраны общественного порядка на улицах, пресечения там антиобщественных проявлений и уголовных преступлений. Она представляет сегодня единую систему, в которую входят патрульные экипажи на автомобилях, посты и маршруты, закрываемые силами городского ГУВД.

Автопатрули, другие патрульные и постовые, заступившие в наряд по несению службы, оснащены средствами радиосвязи и постоянно поддерживают связь с дежурной частью РУВД.

Ответственный момент организации патрульно-постовой службы – инструктаж, в ходе которого ставится конкретная задача для каждого экипажа и постового, объясняется оперативная обстановка в районе, сложившаяся к этому времени. Перед тем, как разойдутся к своим постам и маршрутам патрульные, проверяется их готовность к несению службы, знание обязанностей по охране общественного порядка.

Опустела площадь перед РУВД, где только что прошла церемония развода, но управление патрульной службой продолжается.

На своих маршрутах и постах экипажи автопатрулей и остальные наряды действуют самостоятельно, но патрульно-постовая служба остается единым организмом, все звенья которого действуют слаженно, четко, скоординировано. Ведь охрана общественного порядка – задача, решаемая и числом, и умением.

**В. ЕГОРОВ.**
**Газета «На посту», №43-44, 1995 г.**

# АЛЕКСЕЙ КАРАСИК – МАСТЕР ЯРКОГО ТАЛАНТА




**Отработав в военной газете три года, я узнал, что при УВД нашей столицы образована пресс-группа, в задачи которой входит освещать деятельность ташкентской милиции в средствах массовой информации. Думал-думал и решил рискнуть оставить редакцию.**



Меня привели к чернобровому красивому полковнику, который, пробежав глазами характеристику, задал несколько вопросов, прочел пару моих статей и коротко заключил: «Подходишь».

Впрочем, через некоторое время мне показалось, что он ошибся. Милицейская тема представлялась какой-то глыбой, монолитом, который никак не удается сдвинуть с места. Сказывалось абсолютное незнание специфики работы органов внутренних дел. За какой бы материал ни брался, выходил какой-то «детский лепет».

Надо сказать, что А. Карасик имел значительный опыт не только журналистской, но и чисто милицейской практики. До этого возглавлял одну из служб в аппарате МВД, затем стал руководить новым в то время направлением – службой профилактики в городском управлении внутренних дел, спектор деятельности которой был довольно широк: работа спецкомендатур, общая и индивидуальная профилактика, деятельность инспекций по делам несовершеннолетних. Работа созданной (во многом по его инициативе) пресс-группы составляла, наверное, одну десятую часть всех забот. Тем не менее А. Карасик уделял этому участку довольно пристальное внимание. До сих пор удивляюсь, как ему удавалось выделить время для нас, внимательно читать все, что «творили», и при этом оставаться довольно терпеливым к огрехам.

Он понимал – мастерство приходит с опытом. И хотя часто журил и шумел, но терпел. Терпел и ждал, когда у нас начнет получаться.

Сам А. Карасик писал на высоком профессиональном уровне. Помню, как на моих глазах рождалась его рецензия на детективный сборник одного из местных писателей. Текст с мелким каллиграфическим почерком без исправлений буквально «изливался» из его пера. На работу было затрачено, наверное, не больше часа-полутора, но глубина содержания рецензии, яркость образных выражений, сочность языка выдавали мастера.

Жаль, что большая загруженность по работе не позволила ему писать чаще. Из-под пера этого человека могло бы родиться немало содержательных произведений. Лишь по выходе на пенсию Алексей Львович написал повесть о работе милиции, которая увидела свет, когда он был уже в солидном возрасте.

Был А. Карасик хорошим организатором. По его инициативе создана хорошо известная телепередача «На волне-02», на обеспечение регулярного выхода которой тратилось немало времени и нервов. Силами пресс-группы УВД и в других средствах массовой информации велась значительная работа по правовому воспитанию населения, пропаганде законов и популяризации деятельности органов внутренних дел. Не случайно ее усилия в свое время были высоко оценены МВД республики.

**В. ЗАХАРОВ.**
**Газета «На посту», №55-56, 1997 г.,**

# СТАТЬ ЧАСТИЧКОЙ КОЛЛЕКТИВА

Любовь Васильевна Мухамеджанова пришла в Объединенную редакцию МВД в 1994 году в качестве корректора. Деятельность начала в бытность редактором З. Атаева. Как, впрочем, и ныне, в те годы объем работы был очень большой, и потому необходимо было ежедневно прилагать максимум усилий, знаний и наработанного опыта, чтобы вовремя исправить имеющиеся ошибки в тексте, «отшлифовать»



грамматику, сделать так, чтобы материал читался легко, и в то же время соблюсти правила и формат газеты. Коллектив издания был дружный, если возникали какие-то сложности и вопросы, то все вместе находили общее правильное решение.

Из воспоминаний Л. Мухамеджановой: «Очень здорово было, что в те годы газета «На посту» имелась в розничной продаже. В любом населенном пункте, в киоске можно было купить нашу газету. Меня однажды нашел двоюродный брат, купив газету в киоске, в Казахстане. Увидел мою фамилию в списке выпускающих номер и позвонил. В киосках газету разбирали сразу, так что было чем гордиться. Когда стали делать газету сами, то есть верстать, работать приходилось очень много. Часто домой уходили поздней ночью, а то и под утро. Но никто не жаловался, все были увлечены интересной работой. Много было хороших сотрудников, и все они внесли большой вклад в деятельность и развитие редакции».

В 2010 году Любовь Мухамеджанова вышла на заслуженный отдых. Ныне в кругу большой и дружной семьи воспитывает внуков и не забывает редакцию, ставшую родной. Ведь, посвятив свою жизнь любимой профессии, становишься неотъемлемой частичкой коллектива, с которым связывает очень многое – и радости, и горести. Ведь это одно большое дело, скрепляющее творческих людей.

**P.S.** *Имеем честь сообщить о том, что, пока верстался номер газеты, в честь юбилея нашей редакции Л. Мухамеджанова удостоилась денежной премии МВД республики.*

**Георгий ПЕТРОСЯН,**
**корреспондент «На посту».**

**В 1991 году, когда после длительного перерыва вновь стали издаваться газеты МВД Республики Узбекистан «Postda», «На посту», я стал активно сотрудничать с редакцией. В то время я работал фотокорреспондентом газеты УВД Андижанской области «Осойишталик учун», которая позже стала называться «Садоқат». В 1999 году полковник Закир Атаев, работавший тогда главным редактором Объединенной редакции МВД, во время командировки в Андижан предложил мне стать собственным корреспондентом по Андижанской области. Я растерялся, ответил, что статей никогда не писал, так как в основном занимался фоторепортажами.**

# Спасибо за признание!



«Ничего, научишься, – ответил полковник З. Атаев. – Мы оказываем тебе высокое доверие!»

Вначале было нелегко, но время – хороший учитель. Я старательно писал статьи, перенимал опыт у таких сотрудников, как А. Воргудяев, И. Сайфутдинова, Л. Кияшко.

Были удачи, были и поражения. В то время материалы отправлялись в редакцию с курьерами фельдъегерской связи. А когда требовался «срочный» материал в номер, то задействовались попутные автомашины, направляющиеся в Ташкент. И пока на столе главного редактора не появлялась моя статья, я переживал…

С тех пор прошло больше 20 лет. Сегодня мне не стоит большого труда написать очерк о следователях или экспертах-криминалистах, «сделать» репортаж о нарядах патрульно-постовой или инспекторах дорожно-патрульной служб. Есть любимые темы, например, служба профилактики, кинология. Нравится писать о женщинах-сотрудницах, которые наравне с мужчинами несут нелегкую службу в органах внутренних дел.

Многих сотрудников знаю в лицо, и они меня узнают, и это приятно.

Мой труд не остался без внимания руководства МВД Республики Узбекистан и Объединенной редакции. Накануне празднования 90-летия газеты Объединенной редакции МВД «Postda»–«На посту» меня наградили Почетной грамотой МВД Республики Узбекистан. Это для меня высокая награда, которой я горжусь!

Хочется выразить искреннюю благодарность руководству МВД, а также всем сотрудникам Объединенной редакции, которые работают с душой, стараются, чтобы газета и журнал были интересными не только для стражей порядка, но и всех жителей нашей многонациональной страны.

**Борис КЛЕЙМАН,**
**собственный корреспондент Объединенной редакции МВД Республики Узбекистан по Андижанской области.**

ХОТИРА УЙҒОНСА ГЎЗАЛДИР

# ЭЗГУЛИККА ЭШ БЎЛГАН ИНСОН ЭДИ

**Катта сержант Абдулла Сагатов Иккинчи жаҳон уруши йилларида душманга қарши мардонавор курашиб, юртимиз шаънини муносиб ҳимоя қилган мард ва жасур қаҳрамонлардан бири эди. 1924 йилда Тошкент вилоятида туғилган бу инсоннинг ёшлик дамлари айни уруш йилларига тўғри келди. Ана шундай мусибатли кунларнинг бирида эндигина ўн саккиз баҳорни қаршилаган А. Сагатов барчанинг қалбини ларзага солган жанг майдонига отланди.**



У узоқ йиллик жангу жадаллардан сўнг, яна икки йил давомида Австрияда ҳарбий хизматни ўтайди. Урушда кўрсатган жасорати учун кўплаб орден ва медаллар билан она юртига қайтиб келгач, ҳеч иккиланмай ички ишлар органларида хизмат қилишга астойдил киришади. Дастлабки фаолиятини пойтахт ИИББнинг ўша пайтдаги Ёнғиндан сақлаш бўлимида оддий ўт ўчирувчиликдан бошлаб, мазкур бўлим бошлиғигача бўлган йўлни босиб ўтади. Абдулла Сагатов чорак аср мобайнида шу ерда самарали хизмат қилиб пенсияга чиқади. Хизмат йилларида соҳа ривожи учун кўплаб фидойи ва жонкуяр шогирдлар етиштирган Абдулла ака турмуш ўртоғи билан биргаликда беш нафар фарзандининг тарбиясига ҳам муҳим эътибор қаратиб, уларнинг жамият истиқболи йўлида кераkли инсонлар бўлишига астойдил ҳаракат қилди. Натижада тўнғич ўғли Миразим Сагатов ота изидан бориб, осойишталик посбони деган шарафли номга сазовор бўлди. Кўп йиллар ички ишлар органларининг турли лавозимларида хизмат қилиб, 2006 йилда номзодлик диссертациясини муносиб ҳимоя қилиб, полковник унвонида пенсияга чиқди. Ҳозирда ИИВ Фахрийлар кенгашининг аъзоси сифатида тизимдаги ёш ходимларни Ватанга муҳаббат, касбга садоқат руҳида тарбиялаш ишига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

– Отам одамларга яхшилик қилишни истовчи самимий инсон эди, – дейди биз билан суҳбатда истеъфодаги полковник Миразим ака. – Шу боис доимо у киши билан фахрланиб яшайман.

Дарвоқе, ота касбини улуғлаган кенжа ўғил Олимжон Сагатов ҳам узоқ йиллар мобайнида ёнғин хавфсизлиги соҳасида хизмат қилиб, капитан унвонида пенсияга чиқди.

Йигирмадан ортиқ невара ва чевараларнинг севимли бобожони бўлган Абдулла Сагатов етмиш саккиз ёшида бу ёруғ оламни тарк этди. Аммо бутун ҳаётини эл-юрт тинчлиги ва осойишталиги йўлида бахшида этган бу инсоннинг хотираси ватандошларимиз қалбида абадий муҳрланиб қолиши шубҳасиз.

**Михли САФАРОВ,**
**«Postda» мухбири.**

# НОМИНГИЗ ЎЧМАС



Чиноз Шерматов соҳада 30 йил ишлаб, пенсияга чиқди.

Мақоламиз қаҳрамони эл орасида ибратли оила бошлиғи сифатида ҳам обрў қозонди. У турмуш ўртоғи Бодом момо билан бирга 7 фарзандни комил инсонлар қилиб улғайтирди, уйли-жойли қилди, невара-чеваралар кўрди.

Чиноз Шерматов қаерда бўлмасин, ички ишлар органларидан узилиб кетмади. Жиззах вилояти ички ишлар бошқармаси томонидан ташкил қилинган тадбирларда тез-тез қатнашарди. Ёш ходимлар билан бўлган учрашувларда уруш хотиралари ҳамда жиноятчиликка қарши кураш соҳасидаги тажрибалари хусусида сўзлаб беришдан эринмасди.

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Чиноз Шерматов ҳозирда орамизда бўлмаса-да, унинг хотираси қалбларда мангу яшайди. Зеро, юрт эрки ва тараққиёти учун курашганлар унутилмайди.

**Алижон АБДУСАТТОРОВ,**
**«Postda» мухбири.**
*Жиззах вилояти.*



**Қариси бор уйнинг париси бор, дейишади. Бухоро туманидаги Работипоён маҳалласида яшовчи Ҳусен аканинг ҳовлисида бўлганимизда бунга яна бир бор амин бўлдик. Чунки унинг суянган тоғи, уйининг фариштаси, меҳрибон ва насиҳатгўй отаси бор. Ёш бўлишига қарамай, Иккинчи жаҳон уруши даврида фронт ортида фидокорона меҳнат қилганлар орасида бўлган Расул бобо Розиқов яқинда саксон беш ёшни қаршилайди.**

# РАСУЛ БОБОНИНГ ҲАЁТ КИТОБИ



– Уйимизнинг файзи, тароватi бўлакча, – дейди Ҳусен ака. – Чунки дадажонимиз бахтимизга соғ-саломатлар. Шукр, тинч замонда яшаяпмиз. Меҳнатимизга яраша орзу-ҳавасимизга эришяпмиз. Қолаверса, отам бизга доимо насиҳат қилиб, йўл-йўриқ кўрсатиб туради.

Ҳусен ака доимо отаси билан фахрланиб, у кишидек бўлишни истайди. Зеро, Расул бобонинг босиб ўтган ибратли ҳаёт йўли ҳавас қилса арзигулик. Унинг ҳаёт китобини варақлар экансиз, уруш ва очлик даврлари, халқимиз бошидан кечирган оғир кунларни ҳис этасиз. Кексалар ҳолидан хабар олиш, уларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш кераклигини, осойишта кунларга шукроналар айтиб, Ватан учун ёниб яшаш кераклигини янада теранроқ англайсиз.

Отахон йигитлик даврларида ҳарбий хизматга бориб, тўрт йил Руминия, Германия ва Венгрия каби давлатларда бўлган. Уйига омон қайтганидан сўнг, Бухоро ҳарбий комиссариятига қарашли жанговар захирадаги омборхонада ўн уч йил фаолият кўрсатган.

Айниқса, ички ишлар органларида хизматни бошлаган пайти анча қийинчиликларни енгиб ўтганини гапириб берар экан, ўша даврдаги одамларнинг сабру матонатига тасанно айтасиз. Расул бобо вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБ ППХ батальонида отряд командири лавозимида узоқ йиллар хизмат қилиш билан бир қаторда, кўплаб шогирдлар ҳам етиштирди. Старшина унвони билан 1983 йилда пенсияга чиқди.

Аммо уйда қўл қовуштириб ўтирмади: хўжаликдаги пахта далаларида жавлон уриб меҳнат қилди. Раҳматли рафиқаси Саодат ая билан беш ўғил ва икки қизни тарбиялаб, вояга етказишди. Уларнинг барчаси эл-юрт хизматига камарбаста инсонлардан бўлиб етишишди. Невараю чеваралари қирқ беш нафардан ошди. Ҳали-ҳануз шогирдлари Расул бобони йўқлаб, ундан маслаҳат сўраб туришади.

Ватан ва эл-юрт олдидаги кўп йиллик ҳалол меҳнати, фронт ортида кўрсатган мардлик ва жасорати, юзлаб ички ишлар органлари ходимларини етиштиришдаги фидокорона фаолияти эвазига қатор-қатор юксак нишонлар, фахрий ёрлиқлар, айниқса, 2015 йили «Иккинчи жаҳон урушидаги ғалабанинг 70 йиллиги» юбилей медали билан муносиб тақдирланган Расул бобо маҳалладошлари, шогирдлари, фарзандлари, набира-абиралари қуршовида бахтли ҳаёт кечирмоқда.

**Мирзоқул АҲАДОВ,**
**«Postda» мухбири.**
*Бухоро вилояти.*

# BOLAJON
## SAHIFASI

IBRAT

## YANA NIYAT HAQIDA

Ikki xonadondan ikki ona bozorga otlanarkan, farzandlaridan so'radi:

– Sizlarga nima obkelay, asaltoylarim?

– Kitob!

– Xo'p, – dedi birinchisi xursand bo'lib, – eng oldin sizlarga kitob olaman, keyin pulning ortganiga bozor qilaman.

Ikkinchi ona ham bolalaridan so'ragan edi, ular ham kitob obkeling, deyishdi.

– Xo'p, oldin bozor qilaman, pulim ortib qolsa, kitob olaman, – dedi bunisi.



Birinchi ona o'zi aytganidek, oldin kitob do'koniga kirdi. Bolalarining yoshini aytib, sotuvchidan kitob so'radi. U jon deb bir nechta kitobni onaning oldiga qo'ydi. Shu payt oraga bir odam qo'shildi.

– Kitobni dastxati bilan oladigan bo'ldingiz, mana bunisini men yozganman, – dedi u.

– Voy, qandoq yaxshi, bolalarim xursand bo'lishini bilsangiz edi.

Ikkinchi ayol o'zi aytganidek, oldin bozor qildi, ammo bolalari uchun kitobga sariq chaqa ham orttira olmadi...

**Erkin MALIK.**
**«Duo olgan kelinchak» kitobidan.**

## BOLALAR KULGUSI

Farrux. Uch yashar.

– Bo'ldi, Farrux, uxla!

– Adajon, chiroqni o'chirmang, ko'zimga qorong'i kirib ketadi!

* * *

Yulduz. Uch yashar.

– Nima yeysan, Yulduz, nokmi, shokoladmi?

– Nokolad!

* * *

Zilola. Uch yashar.

– Nega muncha vaqtli turib olding?

– Uxlayverib-uxlayverib charchab ketdim!



* * *

Azimjon. Olti yashar.

– Allo, kim bu?

– Menmi? Men Azimman!

– Azimjon. Men dadangning o'rtog'iman. Dadangni chaqirgin.

– Xo'p bo'ladi, amaki, hozir... dadam aytdilaki, uyda yo'q ekanla...

**O'tkir HOSHIMOV,**
**«Daftar hoshiyasidagi bitiklar» kitobidan.**

**Xo`roz va tovuqqa jo`jalarini topishga yordam bering**



## ONAM AYTGAN ALLALAR



Esimda, onam bolaligimda uxlatishga yotqizar ekan, alla aytardi. U bitta allani takrorlardi, boshqasini bilmasdi. Otam taniqli shoir bo'lsa ham, o'z bolalariga atab alla yozib bermagandi. Onam har xil voqea-hodisalarni hikoya qilib berishni xush ko'rardi. Agar allani onamning she'riyati deb aytadigan bo'lsam, hikoyalar uning nasri edi.

* * *

Onam belanchagimni tebratib ohista alla aytardi: «Tog'day bo'lib ulg'ay bolam...»

* * *



Onam beshigimni tebratib aytgan alla qulog'im tagida jaranglamagan biron kun, biron daqiqa bo'lmagan, desam mubolag'a emas. Bu alla mening barcha qo'shiqlarimni allalab ulg'aytiradi. U misoli yostiq, charchasam boshimni qo'yib dam oladigan, u misoli ot, dunyo bo'ylab safarimga yo'ldosh bo'ladigan, u misoli buloq, chanqog'imni hamisha qondiradigan. U shunday uyki, mehr bilan bag'riga oladigan va bu mehrini olislarda ham sog'inib eslaydigan.

**Rasul HAMZATOV.**
**«Ayollar ko'p, Ona yagona!» kitobidan.**

## BAQA VA BUQA

– Ota, – debdi kichkina baqa ko'lmakda turgan katta baqaga, – men shunaqangi bir qo'rqinchli maxluqni ko'rdimki, u tog'dek ulkan edi. Uning boshida shoxi, uzun dumi, tuyoqlari bor edi.

– Bolam, – debdi qari baqa, – bu bor-yo'g'i chorvador Oqyigitning buqasi, biroq sen aytgandek katta emas. Bo'yi mendan ozgina baland bo'lishi mumkin. Men ham o'zimni shunaqa katta qilib ko'rsatishim mumkin. Mana, qarab tur. Shunday deb katta baqa havoni yutib o'z ichiga puflabdi, puflabdi.

– U shunaqa kattamidi? – deb so'rabdi u o'g'lidan.

– Ancha kattaroq edi, – deb takrorlabdi yosh baqa.

Qari baqa yana o'z ichiga puflabdi va baqachadan: Buqa shunchalik kattamidi? – deb so'rabdi.

– Kattaroq edi, dada, kattaroq, – deb javob beribdi baqacha. Shunday qilib, baqa chuqur nafas olib, ichiga puflayveribdi, shishgandan shishib ketaveribdi.

– Ishonchim komilki, buqa bundan katta bo'lgan emas, – debdi bir mahal shishib ketgan baqa va shu payt paq etib yorilib ketibdi.

Qissadan hissa: ortiqcha chiranish belni sindiradi.

### Mantiq o'yini

a) Qaysi songa uch qo'shib, chiqqan yig'indini ikkiga bo'lganingizda, o'sha sonning ikki baravariga teng bo'ladi?

Bir



b) Beshtasi besh ming so'mdan, besh tuxum necha so'm bo'ladi?

Besh ming so'm

## ONAM DUO QILSALAR

Nega bunday bu hayot,
Aytsin kimki bilsalar.
Butun umrim o'tar shod,
Onam duo qilsalar!

Og'u tushmas oshimga,
Yosh qo'shilar yoshimga,
Baxt qo'nadi boshimga,
Onam duo qilsalar!

Donolarning aytgani,
Kelar har kimning gali,
Ko'raverasiz hali,
Onam duo qilsalar!

Sog' bo'lsin otam Xudoy,
Sog' bo'lsin onam Xudoy,
Jannatlardan tegar joy,
Onam duo qilsalar!

**Jo'rabek JAHON.**

## DASTYOR

Oshxonaga har kuni
Non hidi to'lib ketar.
Oshxonamiz jannatning
Bo'lagi bo'lib ketar.
Oyimlarga non yopish,
Oshpazlik yarashadi.
Ukam-chi, dastyor bo'lib,
Yeyishga qarashadi.

**Dilnavoz NAJIMOVA.**

Sahifani Adolat FAYZIEVA tayyorladi.

ПАМЯТЬ

# ГОДЫ, ОПАЛЕННЫЕ ОГНЕМ

**«Человек фронтовой закалки!» – так отзывались об участнике Второй мировой войны, ветеране органов внутренних дел, талантливом ученом-юристе и педагоге, начальнике кафедры Ташкентской высшей школы (ныне – Академия) МВД Ахмате Ахмадеевиче Ахмадееве его коллеги.**

Пожелтевшие от времени страницы. Они хранят воспоминания Ахмата Ахмадеева о себе, родных и близких, о потерях, выпавших на его долю, непростом жизненном пути, который ему пришлось пройти.

Немалое место в воспоминаниях ветерана занимают описания военных лет, огнем опаливших его судьбу…

«В первый же день начала войны с товарищами стали звонить в райвоенкомат с просьбой направить нас на фронт или в военное училище, – читаем в воспоминаниях ветерана. – Нам же вежливо отказывали, ссылаясь на наш возраст».

Но искренний порыв служить Родине, не покидавший юношу, все же привел его в Подольское военно-пехотное училище.

Первое боевое крещение выпускник училища Ахмадеев получил по дороге к линии фронта. На военный эшелон в районе г. Тихвина спикировал немецкий самолет, который, сбросив несколько бомб, «стал обстреливать трассирующими пулями то одну сторону эшелона, то другую… Несколько молодых офицеров получили ранения».

В осажденный Ленинград Ахмадеев вместе с сослуживцами добирался через Ладожское озеро, по знаменитой «дороге жизни» под шквалистым артобстрелом. По прибытии в распоряжение 245-го стрелкового полка 123-й стрелковой дивизии был назначен командиром взвода в минометную роту.

«19 марта 1943 г. дивизия вступила в бой в районе Красного Бора, – пишет ветеран. – Первым прорвал оборону немцев наш 245-й стрелковый полк, вклинившись в оборону противника на 3–4 километра… На



третий день боев противник сосредоточил крупные силы и предпринял контрнаступление. Особенно в трудном положении оказался наш батальон».

В ходе боев лейтенант Ахмадеев осколком вражеского снаряда был ранен в левую лопатку, в ногу угодила пуля. Окровавленного, его вынесли с поля боя, доставили в госпиталь.

После лечения – вновь на фронт. В части встретили радушно. Поручили командовать взводом управления батареи минометного полка.

«14 января 1944 г. началось историческое сражение под Ленинградом… Наш полк, преданный одной из пехотных частей, наступал в направлении Красного Села», – вспоминает герой войны.

В ходе ожесточенных боев А. Ахмадеев получил третье ранение – осколок попал в грудную клетку. Снова госпиталь, тягостные дни лечения, думы о товарищах, воюющих за него и за себя.

Пока Ахмадеев находился в госпитале, его сослуживцы упорными боями продвинулись вперед и заняли позиции на Сандомирском плацдарме, в Польше. Тут-то он их и нашел после выздоровления и вместе с ними воевал до конца войны, став настоящим «мастером огня», поражавшим вражеские цели наверняка. Воинское умение офицер продемонстрировал в ходе боев на Сандомире, при форсировании Одера.

За участие в сражениях на Одере Ахмадеев был награжден орденом Отечественной войны I степени, за освобождение Дрездена – орденом Красной Звезды.

Войну герой закончил в Чехословакии. «Через несколько месяцев дивизию перебрасывают на Украину. Через Австрию, Венгрию, Закарпатскую Украину (с остановками на несколько дней, даже недель) в 1946 г. наша часть прибыла в г. Бар Винницкой области, откуда я демобилизовался…», – читаем в воспоминаниях.

* * *

Летом первого послевоенного года Ахмат Ахмадеевич приезжает в Ташкент, идет служить в систему органов внутренних дел. За многие годы службы, десятилетия работы в образовательных учреждениях системы МВД Ахмат Ахмадеевич Ахмадеев заслужил непререкаемый авторитет среди коллег и учеников, став наставником нескольких поколений молодых сотрудников – стражей правопорядка.

**Радик ТУМПАРОВ,**
**корреспондент**
**«На посту».**

В КЛЮЧЕ СОТРУДНИЧЕСТВА

# Представители Академии МВД – наши постоянные авторы

**Представители профессорско-преподавательского состава и научные сотрудники Академии МВД Республики Узбекистан – постоянные авторы изданий Объединенной редакции МВД Республики Узбекистан. Их статьи, касающиеся актуальных вопросов юридической науки и практики, проблем обеспечения общественной безопасности и борьбы с преступностью, профилактики правонарушений, дальнейшего совершенствования системы и содержания подготовки кадров для органов внутренних дел, вызывают большой интерес у читателей.**



На страницах газеты «Postda»–«На посту», журнала «Qalqon»–«Щит» регулярно публикуются материалы сотрудников Академии о достижениях педагогов, трудящихся в сфере ведомственного образования, современных средствах и методах формирования профессиональных компетенций, инновационных технологиях, применяемых в процессе подготовки кадров. Ученые Академии систематически делятся с читателями прикладными аспектами результатов своих исследований, освещают опыт подразделений органов внутренних дел стран ближнего и дальнего зарубежья. В числе авторов доктора юридических наук И. Исмаилов, А. Хамдамов, А. Матчанов, С. Селиманова, доктора философских наук Ш. Мамадалиев, К. Джавакова, кандидат юридических наук Б. Закиров, кандидат экономических наук Ш. Кабилов, кандидат психологических наук Б. Сирлиев, а также ветераны образовательного учреждения – доктор политических наук Ш. Гойибназаров, А. Девятов, Р. Ядгаров и др. В изданиях Объединенной редакции публикуются их статьи, подготовленные в рамках правовой пропаганды, комментарии к новым законодательным актам, ведомственным нормативным документам, касающимся деятельности органов внутренних дел, разработки уроков духовности и просвещения.

Многогранная деятельность образовательного учреждения широко освещается в материалах, предоставляемых сотрудниками пресс-группы Академии МВД. Публикации и фоторепортажи Д. Джораева, Ж. Холова, С. Шомансурова о конференциях, семинарах, проводимых в Академии, организуемых здесь воспитательных мероприятиях, торжественных церемониях, встречах курсантов и слушателей с видными представителями науки и культуры всегда информационно насыщенны.

Публикации представителей Академии не раз признавались лучшими в творческих конкурсах, объявляемых Объединенной редакцией МВД Республики Узбекистан.

**Соб. корр.**

К 75-ЛЕТИЮ ПОБЕДЫ

# Спасибо, что живой

**Каждый раз 9 Мая я набираю этот ташкентский номер с замиранием сердца и надеждой услышать знакомый голос.**

– Ой, Леночка, это вы, ягодка моя, как же я рад…

А как рада я – словами не передать! Слава Богу, жив. К счастью, еще помнит.

Я познакомилась с Иваном Павловичем Митякиным, когда ему исполнилось 93. Получила редакционное задание написать об участнике войны. А ветеранов, которые могли бы еще что-то вспомнить и рассказать, было уже не так много. Иван Павлович не утратил живости ума и любознательности. А какой он замечательный рассказчик – просто находка для журналиста!

Вот и ходили к нему разные корреспонденты. В том числе, спортивных изданий, ведь фронтовик был еще и активным участником забегов среди тех, кому за 80. И даже в 95 легко обходил более молодых конкурентов на беговой дорожке. Пока с ним не случилась беда: переходя дорогу, ветеран не заметил приближавшийся на скорости автомобиль.

Травмы оказались серьезными: 80 дней Иван Павлович пролежал в гипсе. С его-то деятельным характером, требующим постоянного движения, быть прикованным к постели – серьезное испытание. Но не поверите: он не только выкарабкался, но и снова побежал! Переживал немного, что в забеге пришел вторым!

Этой весной моему другу исполнилось 101 год! Он держится молодцом! Правда, уже не бегает. Но, говорит, что выходит прогуляться по хорошей погоде. А сегодня



из-за этой проклятой эпидемии это бывает редко.

Иван Павлович вспоминает: когда воевал на передовой, приходилось спать прямо на земле даже при морозе под - 30 °С. Расчищали ногами снег и ложились не на спину, а на бок, чтоб меньше с ледяной землей соприкасаться. И так всю ночь. И не одну – всю зиму. И ведь не болел никто, даже насморка не было. Настолько напряжены были нервы, организм работал на пределе своих возможностей. А немцы… Они воевали «грамотно», берегли себя, по воскресеньям отдыхали. А Победа все же осталась за нами!

Какое же крепкое во всех отношениях поколение – наши фронтовики. Что им дает силы жить, да еще и нас, порой, поддерживать своим примером? Для меня это остается загадкой.

После того как овдовел, Иван Павлович с двумя сыновьями видится редко, так как они живут за рубежом. Звали они не раз отца к себе, но он не соглашался. Как решил остаться жить в Узбекистане много лет назад, так и стоит на своем.

– Здесь мне тепло во всех смыслах этого слова, – признается ветеран. – Ташкентцы – люди необыкновенной доброты и щедрости.

С Иваном Павловичем виделись четыре года назад, перед отъездом в Россию. Были у него дома вместе с дочкой. Я рада, что она успела неформально пообщаться с настоящим фронтовиком. Да еще и с таким, который никогда не сдается – ни врагу, ни болезням, ни годам!

**Елена КУЗНЕЦОВА,**
**старший корреспондент отдела медиа-проектов газеты «Щит и меч» Объединенной редакции МВД России.**
*г. Москва.*



# «В МОИХ ЖИЛАХ ТЕЧЕТ КРОВЬ ГЕРОЯ»

Сотиболди Кучкаров, мой прадед, родился в 1923 году в Ферганской долине, там же прошло его детство. В 17 лет он поступил в Кокандское педагогическое училище. Спустя год началась Вторая мировая война. Его отправили на Кавказ, где он сражался с фашистами. После окончания войны он остался там еще на четыре года, ведя борьбу с преступными группировками, и только в 1949 году вернулся домой.

Девять лет прадед провел вдали от родных, в сложных условиях. Вернувшись, он окончил училище и поступил на исторический факультет педагогического вуза.

Параллельно с учебой работал в колхозе, затем стал его председателем. В течение этого периода он успел окончить аграрный университет.

Мой прадедушка, так же, как и его современники, прошел много испытаний на жизненном пути.



Сотиболди Кучкаров умер в 2010 году. Воспоминаний о нем не так много, но все они очень яркие и теплые. Я помню, как мы ездили к нему домой. Он всегда сидел на своей кровати. Я подходил к нему, он не сразу меня узнавал, а потом обнимал и вздыхал, говоря, что быстро растут дети. Прадедушка угощал нас фруктами, которые росли в его саду.

Мой дед часто рассказывал о жизни своего отца, о том, как он воевал, как боролся с преступностью. Все это он слышал от прадедушки. За доблестную службу Сотиболди Кучкарова награждали орденами и медалями. В числе прочих он имел орден «Дружбы народов», медали «За победу над Германией», «40 лет Победы», «За оборону Кавказа», «За доблестный труд».

Я горжусь тем, что в моих жилах течет кровь сильного, храброго человека, настоящего героя.

**Хуршид ВАЛИЕВ,**
**учащийся 107-й группы Ташкентского академического лицея № 1 МВД Республики Узбекистан.**



# Славный сын узбекского народа

**С самого начала войны народ Узбекистана осознал всю опасность, нависшую над миром и страной. В первые месяцы в военные комиссариаты Узбекистана поступило 32 тысячи заявлений об отправке на фронт.**

Воины-узбекистанцы проявили себя бесстрашными, мужественными бойцами.

Ахчабай Тухтабаев родился в 1912 году в семье многодетного дехканина. С ранних лет он и его братья помогали отцу в поле. Как дается хлеб насущный, они знали не понаслышке.

Когда началась война, Ахчабай в числе других односельчан был призван в армию. После прохождения первоначальной военной подготовки молодых воинов отправили защищать подступы к Москве. Они проявляли образец мужества и героизма.

22 августа 1943 года рядовой Ахчабай Тухтабаев в боях за Курскую дугу был тяжело ранен осколками противопехотной мины. Несколько месяцев воин пролежал в госпитале. По заключению военно-медицинской комиссии он был признан негодным к дальнейшему несению службы и комиссован.

В конце 1943 года Ахчабай вернулся в родной кишлак Дархан, расположенный в Андижанском районе, где его ждали жена и двое малолетних детей. Фронту нужен был хлеб. Ахчабая приняли на работу в общественное хозяйство трактористом.

Закончилась война, стала налаживаться жизнь. Ахчабай и Мунисхон поставили на ноги шестерых сыновей и дочь. Недавно старшему сыну, Соибжону, исполнилось 86 лет. В семье Тухтабаевы растут 32 внука и 40 правнуков.

Супруги Тухтабаевы прожили вместе 67 лет. В 2003 году после тяжелой и продолжительной болезни скончалась Мунисхон ая. Ахчабай ота и в последние годы жизни сохранял ясность ума, без очков читал газеты, слушал радио, смотрел телевизор, обсуждал с внуками и правнуками события, произошедшие в стране и мире. Осколочные ранения в ноги давали о себе знать, на склоне лет Ахчабай ота уже не мог самостоятельно передвигаться. Он скончался в 2014 году в возрасте 102 лет.

Один из многочисленных правнуков Ахчабая Тухтабаева, Шухратбек Юлчиев, стал сотрудником органов внутренних дел. Службу начинал в хозяйственном отряде МВД Республики Узбекистан. После окончания 6-месячных курсов по подготовке сержантского состава работал инспектором отделения кадров Андижанского ГОВД, затем был старшим стрелком мобильного отряда особого назначения УВД, инструктором рукопашного боя ФСО «Динамо». Последние несколько лет младший сержант Шухратбек Юлчиев служит старшим инспектором ДПС УБДД УВД Андижанской области.

Ш. Юлчиев является кандидатом в мастера спорта по рукопашному бою. За образцовую и многолетнюю службу в 2017 году был награжден нагрудным знаком «A'lo hizmatlari uchun».

– Я горжусь своим прадедушкой, – говорит младший сержант Шухратбек Юлчиев. – Он сражался с фашистами, первым шел в атаку. Он навсегда останется в моем сердце.

Никогда не померкнет в памяти поколений ратный подвиг сотен тысяч сыновей и дочерей узбекского народа, которые, не щадя себя, сражались в тех грозных битвах. В целях увековечения памяти сынов нашего народа, павших в борьбе за независимость Родины, в республике 9 Мая отмечается как День Памяти и Почестей. Это дань почести нашим славным ветеранам.

**Борис КЛЕЙМАН,**
**корреспондент «На посту».**

***На снимке:*** *младший сержант Шухратбек Юлчиев с портретом прадеда героя-фронтовика Ахчабая Тухтабаева.*

**Фото автора.**

*Андижанская область.*

БИР ЖИНОЯТ ТАФСИЛОТИ

**Ёз фасли эди. Нукус шаҳрида яшовчи тадбиркор А. Туримбетовнинг хонадонидан ичида қимматбаҳо тақинчоқлар ва 90 минг АҚШ доллари бўлган сейфнинг ўғирлангани ҳақидаги хабар тарқалди. Мазкур ўғирликни амалга оширганлар воқеа жойида ҳеч қандай из қолдирмаган эди.**

**Анча оғир бўлган сейфни из қолдирмасдан уйдан олиб чиқиш, ҳеч кимга сездирмасдан воқеа жойидан кетиш унча-мунча одамнинг қўлидан келмайдиган иш. Бунинг учун аввалдан тузилган пухта режа ва жиноий шериклар керак бўлади. Аксига олиб, ўғрилик содир этилган яқин кунларда кўп миқдордаги АҚШ доллари ҳам, тилла тақинчоқлар ҳам сотувга чиқарилмади. Хуллас, содир этилган ушбу жиноят бўйича олиб борилган тергов-суриштирув ишлари ҳеч қандай натижа бермай, боши берк кўчага кириб қолганди.**

# СИРЛИ ЎҒРИЛАР



### ЎҒРИЛИК РЕЖАСИ

Мактаб ўқувчилари Жамшидбек Қунназаров ва Самад Алжанов қалин дўст бўлиб, одатда ўсмирларга хос қизиқувчанлик, қиммат нарсаларга эга бўлиш орзуси иккаласида ҳам бор эди. Албатта, яхши яшашни ҳамма хоҳлайди, лекин бундай турмуш шароитини яратиш ҳалол меҳнат қилишни талаб этади.

Кунларнинг бирида Жамшидбек Самадга қўшни турадиган А. Туримбетовнинг уйига ўғриликка тушишни таклиф қилади. Боиси, мазкур хонадон бадавлатлиги билан оғизга тушганди. Шу куни Самаднинг уйида компьютер ўйнаб вақт ўтказган иккала дўст режа тузишади. Улар тун яримлаб қолганида кўчага чиқади. Йўл-йўлакай хаёлларини банд қилган режа ҳақида яна гаплашиб олишади. Икки ўртоқ воқеа жойида из қолдирмаслик учун қўлларига қўлқоп кийиб олишни ҳам эсдан чиқармади.

Мўлжалга олинган уйда ҳеч ким йўқлигига ишонч ҳосил қилганларидан сўнг девор ошиб уйга кирмоқчи бўлади. Аммо шу пайт Самаднинг уяли телефонига отаси қўнғироқ қилиб, қаерда юрганлигини сўраб, тезда уйига қайтишини тайинлайди.

Режалари чиппакка чиққан икковлон бироз вақтдан сўнг яна ўша жойда учрашишга келишиб, изига қайтишди.

Лекин икки соатлардан сўнг қалиги жойга келган Жамшид Самаднинг йўқлигини кўриб, режани бир ўзи амалга оширишга киришади. У девордан ошиб ҳовлига тушади. Ичкарига кириш имконини топиш учун уй атрофини бир айланиб чиқади. Шундан сўнг деразалардан бири орқали уй ичкарисига киришга муваффақ бўлади. Хоналарни кўздан кечирар экан, улардан бирида турган темир сейфни кўтаришга ҳаракат қилиб кўрди. Лекин оғир экан. Шу боис ўзи билан бирга олиб келган темир бўлаги ёрдамида унинг эшигини очишга уринди. Ниҳоят, сейф деворидан тешик очади ва унинг ичидан қум тўкила бошлайди. Шундагина сейфнинг нима учун оғир эканини англагандек бўлади. Тезлик билан сейфнинг бошқа томонларини ҳам тешиб, ичидаги қумни тўкиб ташлайди. Сейф энди анча енгил бўлиб қолган эди.

Жамшид сейфни кўтариб кўчага чиқади. Юриб кетаётиб энди ўлжани қаерга олиб бориш ҳақида ўйларди. Ниҳоят, шу атрофдан оқиб ўтувчи канал бўйига олиб бориб, устини шох-шаббалар билан кўмиб ташлайди. Сўнгра худди ҳеч нарса бўлмагандек, уйига келиб ухлаб қолади.

### «ТЕМИР САНДИҚ» ОЧИЛГАНИДА ...

Эртаси куни Ж. Қунназаров бўлиб ўтган воқеани ўртоғига батафсил айтиб беради. Эндиги вазифа сейфни очиб, ичида нима борлигини кўриш эди. Иккаласи бошқаларнинг эътиборини тортмаслик учун сейфни ғалтакка ортиб, уйига олиб келиб, темир кесадиган ускуна ёрдамида уни очади. Сейфнинг ичидан чиққан 9 ўрамдаги АҚШ доллари, 800 минг сўм пул ва тилла тақинчоқларни кўриб, иккаласи ҳам довдираб қолади.

Бироз ўзларига келган икки ўртоқ осонлик билан қўлга киритилган пулларни кўриб, турли орзу-хаёлларга боришади. Бу орзуларни амалга ошириш учун дастлаб 5 минг АҚШ долларини «қора бозорда» сўмга алмаштиришди. Қолган пулларни эса Ж. Қунназаров ўз уйига яшириб қўйди.

Пулларга аввалига бозордан ўзларига қимматбаҳо кийим-кечаклар ва замонавий уяли телефонлар сотиб олишди. Сўнгра эса турли кўнгилочар жойларга бориб, маишат қилишади. Бу нарсалар қайси пуллар эвазига келаётганлигини сўраган ота-оналарини ўзлари ишлаб топганлигига ишонтиришади.

### СИР ОШКОР БЎЛДИ

Албатта, икки ўсмирнинг бундай пул сарфлашларининг асл сабаби куни келганда ошкор бўлиши аниқ эди. Чунки бундай сарф-харажатлар уларнинг оилавий шароитига унчалик ҳам мос келмасди. Табиийки, бу жараёнлар ўзгалар эътиборидан четда қолмади. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари олиб борган суриштирув ишлари натижасида «сирли ўғрилар» Жамшидбек Қунназаров ҳамда Самад Алжановлар эканлиги маълум бўлди.

Мазкур ҳолат юзасидан ўтказилган суд мажлисида ўғрилик жиноятини амалга оширган шахсларнинг вояга етмаганлиги ҳисобга олиниб, иккаласига тегишли жазо тайинланди ҳамда етказилган зарарни қоплаш уларнинг ота-онасига юклатилди.

**Сагатдин НУРАДИНОВ,**
**Нукус шаҳар ИИОФМБ бошлиғи ўринбосари, подполковник.**
**Азамат ПИРНИЯЗОВ,**
**«Postda» мухбири.**

---

**Хоразм вилоятида айрим кишилар «ажал уруғи» дея таърифланадиган гиёҳвандлик воситаларини экиш, сақлаш, сотиш, ташиш каби ўта оғир жиноятларга қўл уришмоқда. Хонқалик 74 ёшни қаршилаган Қ.Эргаш ана шундай кимсалардан бири.**

## ОТАХОН ЖИНОЯТГА ҚЎЛ УРДИ

Жорий йилнинг 23 апрель куни вилоят ички ишлар органлари ходимлари томонидан ўтказилган навбатдаги тезкор тадбир давомида отахоннинг жиноий қилмиши фош этилди. У ўз уйида 53,92 грамм опий гиёҳвандлик воситасини қонунга хилоф равишда сақлаб келаётгани маълум бўлди.



Ҳолат юзасидан Қ.Эргашга нисбатан Жиноят кодексининг тегишли моддасига асосан жиноят иши қўзғатилди. Айни кунларда тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

**Худойберган ЖАББОРОВ,**
**«Postda» мухбири.**

---

## КИМ НИМА ҒАМДА...

**Коронавирус пандемияси ва карантин чекловлари одамларни қайта тарбиялади, сабр-қаноатга ўргатди, эзгу ва хайрли ишларга ундади, десак, хато бўлмайди. Аммо шундай мураккаб шароитда ҳам ўз нафсини ўйлаб, текин даромад топишга уринаётган шахсларнинг онда-сонда бўлса-да, учраб қолаётгани кўнгилни хира қилади.**



Масалан, Бешариқ туманида яшовчи фуқаро М.Д. жорий йилнинг 28 апрель куни «Дўстлик» кўчасида жойлашган автомобиль эхтиёт қисмлари дўконига эшик қулфини бузиш орқали кириб, жами нархи 10 000 000 сўмлик эҳтиёт қисмларни ўғирлаб кетди.

Фарғона вилояти ИИБ ахборот хизматининг хабар қилишича, карантин кунлари уйида ўтирмай, қинғир ишга қўл урган бу йигитга нисбатан Бешариқ тумани ИИБ ҳузуридаги тергов бўлинмаси томонидан Жиноят кодексининг тегишли моддасига асосан жиноят иши қўзғатилиб, ҳозирда тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

**Абдувосит СИДИҚОВ,**
**«Postda» мухбири.**
*Фарғона вилояти.*

---

## ЎЗГАНИНГ ҲАМЁНИ БУЮРМАС

**Н.О. уйда ўтиравериб зерикди, шекилли, кўчага чиқди. Бухоро шаҳридаги «Buxara city» бош офиси атрофида бироз айланиб юрди. Ҳамма тушликка чиққач, офиснинг ён томонида жойлашган дам олиш шийпончаси томон одимлади. У ичкарига кириб, бир ҳамённи шоша-пиша олиб чиқди. Ҳамён Тошкент шаҳар Яшнобод туманида яшовчи фуқаро З.Б. га тегишли эди.**

Сўнгра чеккароққа ўтиб,



ҳамённи кўздан кечирди. Ундан 958 АҚШ доллари миқдоридаги пул, 11 та турли банкларга тегишли пластик карта, ҳайдовчилик гувоҳномаси ва автомашина ҳужжатлари чиқди.

Айни пайтда Н.О.га нисбатан Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан қўзғатилган жиноят иши бўйича тергов ҳаракатлари давом этмоқда.

**Ўз мухбиримиз.**

## ПРЕСС-СЛУЖБА НАЦИОНАЛЬНОЙ ГВАРДИИ СООБЩАЕТ:

# КРЕПКАЯ СЕМЬЯ – СЧАСТЛИВАЯ СТРАНА



Домашнее насилие ничем не может быть оправдано, поскольку нарушает основные права человека: на жизнь, свободу, личную неприкосновенность, честь и достоинство. Закон защищает граждан от любых форм насилия.

Эти вопросы обсуждались на учебном семинаре, состоявшемся в Сурхандарьинской области с участием представителей областных управлений Национальной гвардии, министерств внутренних дел и по поддержке махалли и семьи.

В семинаре активно участвовали женщины-военнослужащие Национальной гвардии. Выступавшие подчеркивали необходимость дальнейшего повышения роли правоохранительных органов и актива махаллей в обеспечении мира и благополучия в семьях. Внимание было акцентировано на значимости работы по изучению имеющихся в семьях проблем, трудоустройстве молодежи и женщин.







## ЗАДЕРЖАН НОЧНОЙ ГОСТЬ

5 мая текущего года, в 23.35 в Центр мониторинга Управления охраны Джизакской области поступил сигнал тревоги от О. Д. – хозяина дома, расположенного в махалле Дустлик Бахмальского района, охраняемого пунктом технической охраны 2-го отдельного отряда.

Сотрудники группы оперативного реагирования немедленно выехали по указанному адресу. На месте происшествия был задержан неизвестный. Его доставили в районный ОВД. Подозреваемым оказался житель Бахмальского района М. С., ранее судимый по части 2 статьи 169 Уголовного кодекса Республики Узбекистан.

В настоящее время по данному факту проводятся следственные мероприятия.

**Нозима МАХМУДОВА,**
**лейтенант.**

ПАМЯТЬ

# ЖИЗНЬ, ПОСВЯЩЕННАЯ СЛУЖБЕ РОДИНЕ

**Шухрат Ниязов был легендарным генералом. Звание генерал-майора ему присвоили уже в годы независимости, в 1999 году, а в 1992-м назначили начальником Ташкентского высшего военно-технического училища МВД Республики Узбекистан (ныне ВТИ Национальной гвардии).**



Это было время становления молодого независимого государства. Наша страна делала первые шаги для укрепления обороноспособности и военного строительства в условиях суверенитета. Шухрат Ниязов был одним из пионеров военного строительства в Узбекистане. Когда его назначили начальником училища, материально-техническая база находилась в плачевном состоянии. Первым делом необходимо было сохранить то, что осталось в наследство от бывших Высших курсов МВД Союза, а затем и приумножить имеющееся. Так как полигон находился на территории соседнего государства, надо было построить новый, развивать инфраструктуру учебного заведения. Все это требовало значительных средств и колоссальных усилий.

Генерал Шухрат Ниязов постоянно заботился о морально-психологическом климате в коллективе. Он говорил, что работа с личным составом требует скрупулезного подхода к каждому. «Не надо забывать, что на первом месте стоит индивидуальное отношение к военнослужащему», – любил повторять генерал, подчеркивая плодотворное влияние проводимых в воинском подразделении уроков духовности и просвещения.

Мы не должны забывать, что генерал Шухрат Ниязов служил в непростое время. То там, то здесь совершались террористические акты, в страну пытались вторгнуться международные террористы. Так было в горных районах Сурхандарьинской и Ташкентской областей. По первому зову Родины генерал отправлялся в горячие точки, чтобы вместе с офицерами и курсантами погасить пламя террора и экстремизма. Во время операции, проводимой на границе с Кыргызстаном осенью 2000 года по ликвидации боевиков, просочившихся из сопредельного государства, он лично возглавил группу автоматчиков и на вертолете вылетел на спецзадание. Горячее сердце командира рвалось в гущу событий. Перед выполнением боевого задания он построил сводный отряд МВД и спросил: «Кто пойдет добровольно?» Многие офицеры изъявили желание полететь туда, откуда, может быть, не было возврата. Но генерал отстранил офицеров, которые были единственными сыновьями у родителей, а тех, кого взял на задание, предупредил: «Никакой самодеятельности, действовать только по команде». Он берег личный состав. Когда группа возвратилась на базовый лагерь с победой, ликованию отряда не было предела.

Почти семнадцать лет генерал возглавлял учебное заведение. Тысячи его учеников в данное время работают в разных силовых структурах страны. Высоко оценены заслуги генерала Шухрата Ниязова – за самоотверженную службу он был награжден орденами и медалями.

5 января 2009 года перестало биться беспокойное сердце генерала Ниязова. С того времени прошло уже более десяти лет, но светлая память об отважном боевом генерале Шухрате Ниязове будет вечно жить в сердцах его учеников. Офицеры, в разные годы окончившие училище, достойно держат планку. Для них служение Родине, народу, Президенту и честь офицера превыше всего.

В данное время ТВВТУ преобразовано в Военно-технический институт Национальной гвардии. Курсанты интересуются жизнью легендарного генерала, являющегося образцом мужества, отваги и беззаветного служения Родине, и стремятся быть достойными продолжателями священного дела по защите Отчизны от любых посягательств.

**Тулкин САЙДАЛИЕВ,**
**доцент ВТИ Национальной гвардии Республики Узбекистан,**
**подполковник в отставке.**
**Улугбек ЮНУСОВ,**
**заместитель начальника кафедры,**
**полковник.**

ЗДОРОВЬЕ

# ЧЕМ ПОЛЕЗЕН ТОМАТНЫЙ СОК, И ПОЧЕМУ ЕГО НУЖНО ПИТЬ



**В отличие от сладких фруктовых соков, томатный сок содержит минимальное количество калорий (всего 17 ккал на 100 граммов) и сахара. При этом, благодаря своей густой консистенции и высокому содержанию витаминов и минералов, он прекрасно справляется с чувством голода. Именно поэтому томатный сок можно пить даже людям, которые ведут борьбу с лишним весом.**

**Польза для сердца**

Томатный сок содержит большое количество калия. В свою очередь калий способствует нормализации артериального давления и благотворно влияет на состояние всей сердечно-сосудистой системы. Антиоксиданты, которыми богаты томаты, помогают защищать сосуды от образования атеросклеротических бляшек.

**... пищеварения**

Томатный сок очень полезен для пищеварения. Он помогает печени выводить из организма шлаки и токсины, а также улучшает перистальтику кишечника, поэтому его рекомендуют пить людям, склонным к запорам.

**. . . иммунитета**

Стакан томатного сока – это настоящий кладезь витаминов. Особенно много в этом напитке витаминов С и А, которые укрепляют иммунитет и помогают организму бороться с вирусами и инфекциями. Кроме того, ряд научных исследований подтверждает, что томаты препятствуют развитию онкологических заболеваний.

# ПОСТ: ВОПРОСЫ – ОТВЕТЫ





С точки зрения ислама не соблюдать пост могут несовершеннолетние, дети, пожилые, беременные женщины и кормящие матери. А вот с точки зрения медицины нельзя держать уразу при сложных формах заболеваний – диабете, язве желудка, хронической сердечной недостаточности, ишемии, болезни сосудов, тромбообразовании. Беременным можно перенести уразу на более поздний срок. А те, у кого нет возможности соблюдать пост или это невозможно по состоянию здоровья, могут каждый день накормить одного нуждающегося, то есть отдавать садаку фидия.

***Некоторые ощущают пользу кофе. Но он, хоть и утоляет чувство голода, вызывает жажду. Можно ли пить кофе во время поста?***

Кофе – и полезный и вредный одновременно напиток. Если организм обессилен, то он усугубит состояние. Среди нервных узлов, исходящих из головного мозга, есть специальные соединения – синапсы. Там находятся нейромедиаторы – они передают импульс из одной нервной клетки в другую. Кофе стимулирует работу этих медиаторов. И тогда человек просыпается и начинает чувствовать себя хорошо. Если человек без сил, значит, медиаторов и так мало. Организм не может восстановиться, а выпив кофе, человек, наоборот, теряет силы.

***Не вредно ли голодать на протяжении дня и кушать на ночь? Многие боятся, что питание перед сном приводит к ожирению.***

Главное – не нужно наедаться. Через два-три дня организм уже привыкает к такому режиму и не просит много еды. Конечно, если много есть, можно прибавить в весе и во время уразы.

*Не забудьте проконсультироваться с врачом.*

# ЧТО СНИЖАЕТ ИММУНИТЕТ




## 5 ПРОДУКТОВ, УКРЕПЛЯЮЩИХ ИММУНИТЕТ




Подготовлено по материалам интернета.

МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ ДАРСИ

# КОРРУПЦИЯСИЗ СОҲА: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

**XX асрнинг бошида коррупция дунё ҳамжамиятига йилига 80 млрд. АҚШ доллари миқдорида зарар келтирган бўлса, 2016 йилда дунёда яратилаётган ялпи ички маҳсулотнинг 2,0 фоизини пора ташкил этган. Бу қарийб 1,5–2,0 трлн. АҚШ доллари дегани. БМТ Бош котиби Антониу Гуттеришнинг 2019 йилги Иқтисодий форумда сўзлаган нутқида бу кўрсаткич 2,6 трлн. АҚШ долларига етгани таъкидланиб, барча давлатлар раҳбарлари ушбу глобал офат билан муросасиз курашишга чақирилди.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони билан «Коррупциясиз соҳа» лойиҳасини амалга оширишнинг дастлабки босқичида қурилиш ва таълим соҳалари танланди.

Маълумки, жорий йилнинг 11 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ҳузурида коррупцияга қарши курашишнинг янги тизимини жорий этишга бағишланган йиғилиш




ўтказилган эди. Йиғилиш талабларидан келиб чиққан ҳолда, Ички ишлар органлари тизимида коррупцияга қарши курашишни янада такомиллаштириш бўйича 2020 йилга мўлжалланган «Йўл харитаси» ишлаб чиқилди.

«Йўл харитаси»да ходимларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, бу жараёнда коррупциянинг салбий драйверлари ҳисобланган ҳуқуқий нигилизм ва ҳуқуқий саводсизликка чек қўйиш асосий мақсад саналади. Шунингдек, ходимларда «манфаатлар тўқнашуви»га қарши самарали иммунитетни ва коррупцияга қарши муросасиз муносабатни шакллантириш ҳамда ҳар бир ходимда «Коррупция – мен ва менинг оиламга ҳамда менинг карьерамга қарши!» тамойилига асосланган тушунчани англатиш имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини таъминлашдан иборат устувор йўналишлар белгиланган. Шунингдек, унда «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги қонун талаблари асосида коррупция хавф-хатарини аниқлаш бўйича тадқиқотлар ўтказишга устуворлик берилган.

Кадрлар сиёсатининг тўғри йўлга қўйилиши, хизматга қабул қилиш борасидаги фаолиятнинг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш тизимни коррупциясиз соҳага айлантиришда ғоят муҳим саналади. Айниқса, бўш лавозимларни жамлаш ва кадрлар захирасини, биринчи навбатда, ҳалоллиги, ўз касбий фазилатлари, ахлоқий сифатлари, хулқ-атвори ва маданият даражаси билан намуна бўлган истиқболли бошқарув таркибини шакллантиришнинг таъсирчан механизмини жорий этиш мақсадга мувофиқ. ИИВ веб-сайтида «Кадрлар сиёсати» рукни ташкил этилади ва унда жойлаштирилиши мажбурий бўлган ахборотлар рўйхати шакллантириладики, бундай чоралар тизимда коррупцияни жиловлашга хизмат қилади.

Ички ишлар органларида коррупциянинг олдини олишда амалдаги мураббийлар институтининг фаол ишлашини йўлга қўйиш катта аҳамиятга эга. Шу боис мураббийлар мутахассислик бўйича камида беш йил хизмат қилган, юксак касбий фазилатларга, хизматда самарали кўрсаткичларга ва тарбиявий йўналишда ибратли кўникмаларга эга бўлган энг тажрибали, ҳалол ходимлар орасидан танлаб олиниши зарур.



Ходимларнинг хизмат, жисмоний ва ахлоқий-психологик тайёргарлигини сифат жиҳатдан янги тамойиллар асосида ташкил этиш тартибини танқидий қайта кўриб чиқиб, ходимларга амалга ошираётган фаолиятида натижадорликка ҳамда юклатилган вазифаларни самарали бажаришга интилишни сингдириш, уларда амалий иш кўникмаларини шакллантириш ва хизмат бурчига ташаббускорлик билан муносабатда бўлишини тарбиялаш муҳимлиги инобатга олиниб, «Йўл харитаси»га кўра, фаолиятда коррупциянинг олдини олишга қаратилган деонтологик талаблар тизими ишлаб чиқилмоқда. Бу барча бўғиндаги раҳбарларни ўз бўйсунувидаги ходимларнинг хатти-ҳаракатлари учун шахсий жавобгарлигини оширади.

Бундан буён ички ишлар органларида коррупцияга қарши курашишда ўзини ўзи баҳолаш рейтинги жорий этилади. Бу восита ИИВ соҳавий хизматлари ўртасида коррупцияга қарши курашиш чора-тадбирлари самарадорлигини таъминлайди. Ходимларнинг хизмат, жисмоний ва ахлоқий-психологик тайёргарлигини сифат жиҳатдан қонунийлик, шаффофлик ва ошкоралик тамойиллари асосида ташкил этишга эришилади. Уларнинг хизматини рейтинг тизими асосида баҳолашга ўтиш ва бунда амалий натижадорлик асосида ўз хизмат вазифаларини виждонан бажараётган ходимларнинг хизматда кўтарилишини таъминловчи кадрлар захирасини шакллантиришда холисликни, уларни ўқитиш ва хизматидан оқилона фойдаланишни йўлга қўйиш замон талабидир. Шунингдек, коррупция тусидаги жиноятларни рўйхатга олишнинг электрон тизимини жорий қилиш (рақамлаштириш) ҳар бир ҳудудда коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш фаолияти самарадорлигини оширади. Бунга, албатта, ходимлар хизматини қатъий назорат қилиш ва тарбиявий жараённи таъминлаш соҳасида мувофиқлаштириш, таҳлилий ва услубий ишларни кучайтириш орқали эришилишини барча бўғиндаги раҳбарлар қатламига сингдириш тақозо этилади.

Ички ишлар органлари раҳбарлар таркибида ротациядан фойдаланиш коэффициентини ошириш ҳам тизимни коррупциядан холи соҳага айлантиради. Ички ишлар органлари раҳбар таркибининг ротацияси, қоида тариқасида, тенг мавқели лавозимга, эгаллаб турган лавозимида белгиланган муддат ишлаганидан сўнг амалга оширилишини амалда таъминлашни йўлга қўйиш зарурки, ротация неопотизм (таниш-билишчилик)ка чек қўяди.

Маълумки, Президентимиз Олий Мажлисга Мурожаатномасида «Жамият –ислоҳотлар ташаббускори» деган янги ғояни илгари сурди. Ушбу ғоя талаблари асосида ички ишлар органларини коррупциядан холи соҳага айлантиришда таъсирчан воситалардан бири – жамоатчилик назорати тизимлари такомиллаштирилади. Энди тизимда коррупцияга қарши ички назорат тизими, яъни ички ишлар органлари тузилмаларида ички коррупцияга қарши чораларни ишлаб чиқувчи ва амалга оширувчи «комплаенс назорат» тизими жорий этилади ва фаолияти кучайтирилади.

Шунингдек, коррупция ҳолатларини аниқлашга ёрдам кўрсатувчи «Холис фуқаро» тизими жорий этилиши ҳам соҳа ходимлари фаолияти софлигини таъминлашга хизмат қилади.

**ЭСДАН ЧИҚАРМАНГ! Ўз шахсий манфаатлари «қули»га айланган, уларни давлат ва жамият манфаатларидан юқори қўйган ходим, шубҳасиз, коррупциянинг осон «ўлжаси»га айланади. Маънавий дунёси чегараланган одамлар эртами-кечми, ахлоқий тубанликка юз тутади. Айнан шундай муҳит коррупциянинг юзага келишига сабаб бўлиши ҳеч кимга сир эмас.**

Мавлоно Жалолиддин Румий таъкидлаганларидек: «Тимсоҳ оғзини очади, тишлари атрофида узун-узун қуртлар бор. Қушлар бу ризқни кўриб, у тобутни ўтлоқ деб ўйлайдилар. Оғзи қушларга тўлиши билан тимсоҳ шартта уни ёпади... Бу оламни ўша тимсоҳнинг оғзи деб бил. Ҳайвонлардаги юзлаб ҳийлалар бор экан, ҳайвонлардан устун бўлганларда қандай ҳийлалар бўлишини тасаввур қил». Донишманднинг ушбу сўзларини ҳеч қачон унутмайлик!

**Шариф ҚОБИЛОВ,**
**ИИВ Академияси доценти, полковник.**

САЛОМАТЛИК САБОҚЛАРИ

# БЕБАҲО ШИФОБАХШ МЕВА

**Ҳозир айни ғарқ пишган мевалардан бири – тут кўплаб шифобахш хусусиятларга эга. Мамлакатимизда унинг асосан беш тури ўстирилади. Истеъмол учун оқ ва қора тут тавсия этилади.**





Тутнинг таркибида қанд бисёр, шу боис сершира ҳисобланади. У қуритиб истеъмол қилинса, шираси янада кўпаяди. Бундан ташқари, B, C, E, K, PP каби кўплаб витаминларга бой. Шунинг учун уни касалликдан заифлашиб қолган, тез-тез шамоллайдиган кишилар кўпроқ истеъмол қилиши тавсия этилади.

Минерал моддалардан эса калий, натрий, рух, селен, мис, фосфор, кальций, магний, темирга бой. Уруғи ёғ ва бошқа ошловчи моддалар сақлайди. Таркибида кўп миқдорда фосфор бўлгани туфайли ақлий фаолият билан шуғулланадиган кишилар учун кони фойда саналади. Ҳомиладор аёллар учун ҳам тут меваси зарур дармондорилар манбаи ҳисобланади.

Абу Али ибн Сино: «Нордон тут оғиз ва томоқ шишларини қайтаради, барги томоқ шишлари ва оғриғига фойдадир, қуритилгани ёмон яраларга шифо бўлади», деб ёзган эди.

Оқ тут ҳарорат кўтарилганда, ичак хасталикларида, қонни тозаловчи ва кўпайтирувчи, пешоб ҳайдовчи, юрак мушагининг қисқариши сусайганда қувватловчи мева сифатида истеъмол қилинади. Ибн Синонинг ёзишича, тутнинг ҳамма хилини ҳам таомдан аввал ейиш керак.

Тут меваси иммун тизимини кучайтириб, организмнинг юқумли касалликларга қарши ҳимоя тизимини мустаҳкамлайди, терига барвақт ажин тушишидан сақлайди, кўриш қобилиятини оширади.

Халқ табобатида тут қадимдан турли касалликларни даволашда фойдаланиб келинади. Баргининг қайнатмаси ангина ва бошқа шамоллаш касалликларида иситмани туширувчи, чанқоқни қондирувчи восита сифатида ишлатилган. Шираси эса қонни тозалаш, кўпайтириш мақсадида кенг қўлланилган. Тут мевасини қуритиб, ундан дамлама, шарбат тайёрлаб ичилса, дармонсизликни даволайди, озишга ёрдам беради, организмни тозалайди.

Тут дарахти гуллари ўсимлик ёғи билан аралаштирилиб, қоронғи жойда тиндирилса, теридаги майда ҳуснбузар, доғлар ва сепкилни даволаш учун ажойиб крем ҳосил бўлади. Барги ва шохчасини майдалаб, ўсимлик ёғи билан аралаштириб суртилса, яралар тезда битади.

Тут дарахти пўстлоғи майда туйилиб, кунжут ёғи билан аралаштирилиб, турли хилдаги оғир яралар даволанади. Дарахт пўстлоғининг қайнатмасидан эса шамоллаш ва ўпка касалликларида балғам кўчирувчи восита сифатида қўлланилади.

Илдизининг пўстлоғидан тайёрланган қайнатма қуруқ, изтиробли йўтал, бронхиал астма, нафас қисиши, қон босимининг кўтарилиши, хафақон, гипертония касалликларини даволашда қўл келади. Негаки, тутнинг илдизи ва пўстлоғида қон томирларини тозаловчи, қон айланишини меъёрига келтирувчи моддалар бор. Бундан ташқари, илдизининг қайнатмаси гижжани осон ҳайдайди. Чилонжийда билан тут мевасидан тайёрланган қайнатма эса бўғма, қизилча каби касалликларга даво бўлади.

Ичак хасталиклари билан оғрийдиган, ичкетарга мойил кишилар, қандли диабет, қон босими хасталиги бор кишиларга меъёридан ортиқ тут истеъмол қилишлари тавсия этилмайди. Пишиб етилган тут ич кетишини, пишиб етилмаган хом меваси эса қабзиятни келтириб чиқариши мумкинлигини ёддан чиқармаслик лозим.

**Ўзбекистон Халқ табобати академияси тавсиялари асосида тайёрланди.**

# КОНИ ФОЙДА КЎКАТЛАР

**Дунё халқлари орасида энг узоқ умр кўрувчилар Кавказ ва Марказий Осиёда яшашар экан. Узоқ умр кўриш сабабларидан бири — барра кўкатларни тез-тез тановул қилишдир. Албатта, кўкатларнинг қандай хусусиятлари бор ва улар нималарга фойда эканини билгач, узоқ умр кўриш сабабини билиб оласиз.**



**ШИВИТ (УКРОП)**

Шивит пешоб ҳайдаш хусусиятига эга. У уйқусизлик ва асаб бузилишида жуда фойдали. Ошқозон дам бўлишининг олдини олади.



**РАЙҲОН**

Овқат ҳазмини яхшилайди, иштаҳани очади. Шивит каби пешоб ҳайдаш ва асаб тизимини мустаҳкамлаш хусусиятига эга.



**ШОВУЛ**

Танада қон ишлаб чиқарилишида анчайин фойдали кўкат ҳисобланади. Шовул ҳам овқат ҳазмини яхшилаб, пешоб ҳайдаш хусусиятига эга.



**САЛАТ БАРГИ**

Асаб тизимини яхшилаб, уйқусизликнинг олдини олади. Қон босимини тушириб, ошқозон фаолиятини бир меъёрда ушлаб туради. Ушбу кўкат қон томирлари деворларини мустаҳкамлайди.



**ПЕТРУШКА**

Тана тонусини кучайтиради ва кислород алмашинувини яхшилайди. Капилляр ва артерия қон томирларини мустаҳкамлаб, юрак фаолиятини яхшилайди. Буйрак ва сийдик қопида тошлар йиғилмаслигига ва кўриш қобилиятининг пасайиб кетмаслигига ёрдам беради.

**Тавсияларга амал қилишдан олдин шифокор билан маслаҳатлашинг.**

**Postda**
На посту

MUASSIS:
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ICHKI ISHLAR VAZIRLIGI

Bosh muharrir –
polkovnik
Bernora SADIKOVA

Bosh muharrir o'rinbosarlari –
mayor Azizjon FAYZIYEV
leytenant Aziza BAHODIROVA

Mas'ul kotiblar –
Erkin SATTOROV
Jahongir SHAROFBOYEV

Navbatchilar –
katta leytenant
Mixli SAFAROV
Radik TUMPAROV

Sahifalovchilar –
Ilhom JUMANOV
Akbar BOLTAYEV

TELEFONLAR:
71-231-33-88;
Faks: 71-231-40-05.

Obuna masalalari bo'yicha:
71-231-38-74;
95-177-32-31

Web-site: www.postda.uz
E-mail: info@postda.uz

ISSN 2010-5355

Tahririyat hisob raqami 20210000900447980001 MFO 00420. ATIB «Ipotekabank» Mirobod tuman bo'limi. INN 200637499.

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egasiga qaytarilmaydi.
Nashrimizdan ko'chirib bosilganda manba ko'rsatilishi shart.
Gazeta tahririyat kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

«O'zbekiston» nashriyot-matbaa ijodiy uyi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Alisher Navoiy ko'chasi 30-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Adminstratsiyasi huzuridagi Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar agentligi tomonidan 2020-yil 13-yanvarda 0120-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Buyurtma №V-4143.
Bosilish – ofset usulida.
Bichimi – A3. Hajmi – 6 bosma taboq. 57 052 nusxada chop etildi.
**Obuna raqamlari:**
Yakka tartibda – 180.
Tashkilotlar uchun – 366.
Bosishga topshirish vaqti – 22.00.
Bosishga topshirildi – 21.00.
Sotuvda kelishilgan narxda.

MANZILIMIZ:
100070, Toshkent shahri, Shota Rustaveli 1-berk ko'chasi 9-uy.